Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 191 (4589)
22 АВГУСТ 1981 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ЭНГ МУҲИМИ— МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

Октябрь ва Чилонзор районлари корхоналарининг меҳнаткашлари 1981 йилда ўзаро мусобақалашиш тўғрисида шартнома имзолаб, йиллик ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан илгари бажаришга, пландан ташқари 6.7 миллион сўмлик саноат маҳсулоти тайёрлашга, қолоқларсиз ишлаб меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмининг 80— 85 процент ўсишига эришишга аҳд қилганлар.

Улар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Етти ойлик социалистик мусобақа якунларига кўра планга қўшимча 5.549 минг сўмлик буюмлар реализация қилинди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқлари ҳам ортиғи билан адо этилди.

Муваффақиятларга қандай эришилди? Қабул қилинган мажбуриятлар қандай бажариляпти? Бугун биз газетамизнинг иккинчи саҳифасида районлар ва корхоналар ўртасидаги анъанавий йўқламамизни бошлаб, ана шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Газетанинг кейинги сонларида Ҳамза ва Куйбишев, Киров ва Собир Раҳимов, Ленин ва Фрунзе, Акмал Икромов ва Сергели районлари меҳнат коллективларининг ўзаро беллашуви якунлари тўғрисида ҳикоя қиламиз.

• Диққат: илғор тажриба!

ҚУРУВЧИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИБ

● БРИГАДА ШАРТНОМА ТУЗМОҚДА ● ГРАФИККА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИБ ● МУДДАТИДАН ОЛДИН ТИКЛАНГАН ОБЪЕКТЛАР ҲАММА УЧУН ФОЙДАЛИ.

Ҳамид Олимжон метро станцияси атрофидаги турар жой микрорайонида яқиндагина бульдозерлар ва экскаваторларнинг овозлари эшитилиб турар эди. Улар ер текислаш, ҳар хил қурилиш майдонларини бунёдкорлик ишларига ҳозирлашарди. Республика қарор чиқарувчи органларининг кўрсатмасига биноан бу жойда яқин келажакда тўртта 16 каватли эксперименталь уй. болалар боғчаси, магазинлар, ер ости гаражи, беш ва тўккиз каватли турар жой бинолари ва бошқа объектлар тикланади.

Назарбек зилзиласи оқибатларини тугатиш бўйича тузилган программа асосида бу осмонўпар бинолари «Главмосстрой» вакиллари, бошқа объектларни эса «Главташкентстрой»нинг ишчилари қуриб тошкентликларга ҳадя қилишга қарор этишди.

Кун тўшиш билан бўлажак микрорайоннинг қиёфаси ўзгариб бормоқда. Ўн олти каватли уйларнинг пойдеворини Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 11-«Висотстрой» трестининг 17-ва 69-қурилиш бошқармаларининг вакиллари бунёд этишмоқда. Шуни қувонч билан айтиш керакки, ишга тушириладиган бу зарбдор қурилишда мамлакатимиз қурилишларида тўпланган илғор ва янги тажрибаларга амал қилинмоқда. Бу ерда биринчи навбатда меҳнатни илмий ташкил этишга катта аҳамият бериляпти. Бу усул қурувчиларнинг меҳнатини рағбатлантирмоқда.

Биз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 17-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи Ҳамид Қорабоев билан пойдевори тикланган дастлабки ўн олти қаватли бинонинг олдида учрашдик. Бригада учинчи уйнинг пойдеворига ётқизиш учун бетон қабул қилаётган эди. Бу ерда иш бир маромда кетаётганлиги ва графикка амал қилинаётганлиги кўзга яққол ташланиб турарди.

— Кеча объектга москваликлар келишди, — дея ҳикоя қилди Ҳамид ака. —Тўғрисини айтганда, улар ҳайратга тушиб қолишди. Чунки улар биринчи уйнинг панелларини тахминан сентябрь ойида монтаж қилишни бошлаймиз деб ўйлашган эди. Биз эса уларга ҳозирнинг ўзидаёқ иш фронтини очиб бердик.

— Бизнинг ҳисоб-китобимиз жуда содда,— дея изоҳ берди участка бошлиғи Эльбрус Икаев, — ёв Корабоев бригадасининг нарядсиз ишга ҳақ тўлаш усулига ўтганлиги окибатидир. Бу усулдан биз биринчи марта Тошкент телеминорасининг пойдеворини тиклашда фойдаланганмиз. Унинг самараси чиқоятда яхши бўлди. Бош пудратчи ўз олдига қўйилган вазифани муддатидан олдин бажарди.

Агар меҳнатга аккорд-мукофотли ҳақ тўланганда иш ҳақи тебраниб турса, бу сафар инженер-техник ходимлар аниқ бир хулосага келишди. Бу сафар ишчининг ҳаки объектнинг смета қийматини 18 процентини ташкил этди.

Агар бунга аниқлик киритадиган бўлсак шундай хулосага келиш мумкин. Қорабоев бригадаси иккита ўн олти қаватли бинонинг пойдеворини тиклашда 146 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириши керак. Иш ҳақи эса 24 минг сўмдан иборат бўлади. Бу вазифаларни бажариш графигига қатъий амал қилган бригада аъзолари уч сменада 2 минг сўмлик маблағни ўзлаштиришлари керак.

Бригада бошқарма билан шартнома тузди. Бошқарма ўз навбатида қурилиш материаллари, конструкциялар, монолит бетонлар билан узлуксиз таъминлаб туриш мажбуриятини олди. Бригада коллективи белгиланган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажаришга аҳд қилди.

Мутахассислар ҳисоб-китобларига қараганда Ҳ. Қорабоев бригадасининг ҳар бир аъзоси ҳар ойда мукофотларни қўшиб ҳисоблаганда, 300— 320 сўм маош олади. Аккорт-мукофотли ҳақ тўлаш системасида эса ишчининг ойлик маоши энг кўпи билан 250 сўмни ташкил қилар эди.

Кўриниб турибдики, бу усулга амал қилиш бригадага ҳам, бошқармага ҳам фойдали. Қурувчилар бир хил маош олиш билан бирга, уларни материаллар билан узлуксиз таъминлаш имкони вужудга келди. Ишнинг бошидан охиригача етказишга шароит яратилди.

19 августдан бошлаб меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш графиги тузиб чиқилди. Ишнинг турлари, тўланадиган ҳақ, ҳар куни ўзлаштирилаётган маблағ аниқлаб қўйилди. Шунинг учун ҳам бригада имкониятни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қиляпти.

Ҳ. Қорабоев етакчилик қилаётган бригадада Тошкентдаги бир неча ноёб объектларни тиклашда тажриба тўпланган қурувчилар меҳнат қилишади. Шу боисдан ҳам улар бир овоздан ҳам янги усулни қўллаб - қувватлашди. Улар 1981 йил ва ўн биринчи беш йиллик учун олган планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришларига ишонишади. 3 декабрь куни коллектив микрорайондаги тўртинчи кўп қаватли бинони монтажчиларга топширади. Бу ишни уддалашда бригадага нарядсиз ҳақ тўлаш усули катта ёрдам беради.

В. ЭНКЕР.

СИФАТНИ ЯХШИЛАЙМИЗ

Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмаси тўртинчи заводининг коллективи шаҳримиздаги таниқли кишиларнинг пойтахт аҳолисига қарата «Нон —бебаҳо бойлигимиз — уни исроф қилманг» дея қилган мурожаатини севимли «Тошкент оқшоми» саҳифасидан ўқиб, катта қониқиш ва мамнуният ҳиссига эга бўлди.

Биз, нон маҳсулотлари тайёрловчилар баҳси-бир ҳамшаҳарларимизнинг нонга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлишларини кўриб жуда ачинамиз.

Шуниси жуда қувончлики ҳозирги пайтда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари шаҳримизда нон ресурсларидан фойдаланишга катта эътибор беришяпти. Халқ хўжалигининг ана шу муҳим масаласини жамоатчилик ўз назоратига олганлиги қувонарлидир.

Бизнинг нонга бўлган муносабатимиз ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек очиғини айтганда у ёки бу сменада брак нонлар чиқиб туради.

Ҳар бир уй бекаси ҳамир ошириш нозик иш эканлигини яхши биласи. Яхши ҳамир ошириш учун яхшигина нонвойлик санъатига эга бўлиш керак. Минглаб кишилар дастурхонига нон тайёрланадиган бизнинг корхонамизда эса, бу осон иш эмас. Шунга қарамай, бизнинг сифатсиз ишлашга ҳаққимиз йўқ. Мен яна бир унча катта бўлмаган масалани кўрсатмоқчиман. Корхонамиз экспедициясида аксарият ҳолларда нон тўхтаб қолади. Шу сабабли улар ўзининг сифати ва мазасини йўқотади. Бунинг устига нон ташийдиган идишлар етишмайди. Яқинда корхонамиз тара заводидан анчагина яшиклар олди. Лекин улар сифатсиз тайёрланган: яшикларнинг бурчакларига темир планкалар қоқилмаган. тахталар нам, оғир. Шунинг учун ҳам нонларни ва кўпга чидамайди. Яна корхонамиз олдида тайёр маҳсулотларни нимада ташиш керак, деган масала кўндаланг бўлиб қолмоқда.

Н. ВЕРЕШЧАГИНА,
«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг нонвойи.

Бепарво бўлиш мумкин эмас

Бизнинг коллективимизда шаҳарнинг донгдор кишилари, партия ва меҳнат ветеранларининг нонни қадрлаб ва исроф қилмаслик ҳақидаги чиқишларини катта эътибор билан ўқишди. Унда айтилган фикрларга ҳеч ким бепарво бўлмаслиги керак. Чиндан ҳам бизга, уруш ва очарчиликни кўрган катта авлод кишиларига нон энг қадрли нарса бўлган эди ва шундай бўлиб қолади.

Баъзан айрим кишилар унга эътиборсизлик қилаётгани кишини ранжитади. Жумладан, ўзимиз яшаётган уйда ҳам шундай фактларга дуч келамиз. Гоҳо чикиндилар орасида бутун бўлкани, кулча нонни кўриш мумкин. Балки ўз болаларимиз ва невараларимизни нонга нисбатан муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялай олмаганимизда бизнинг ҳам айбимиз бордир.

Ҳа, тез-тез магазинларнинг пештахталарида ҳам сифатсиз нонлар пайдо бўлиб қолади. Ана шундай исрофгарчиликларга қарши қатъий кураш олиб бориш лозим.

Донни ташиш ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтишга тўғри келади. Куйбишев шоссеси бўйлаб шаҳар ун комбинатлари томон дон ортилган машиналар ўтиб туради. Баъзан бизнинг ҳамкасбларимиз— ҳайдовчилар ўз вазифаларига сидқидиллик билан қарамаётганликлари кишини ранжитади. Кузовдаги тешиклардан йўл устига дон тўкилиб боради. Ишдаги бундай масъулиятсизликни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.

Ахир машинага юк ортишдан олдин унинг тешикларини беркитиш, бортни кўтариш, кузовни брезент билан ёпиш қийин эмас. Бизда нонга нисбатан ҳулди ана шундай эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳали етишмайди.

Биз 3-таксопарк меҳнатчилари «Тошкент оқшоми»нинг 17 август сонида эълон қилинган «Нон— бебаҳо бойлигимиз» мақоласидаги таклифларни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Биз нонинг исрофгарчилигига йўл қўймаслик учун кўлимиздан келган барча ишларни қиламиз.

Х. ИБРОҲИМОВ,
3-таксомотор парки директори.

● БИЛИМ МАСКАНЛАРИДА

КОМБИНАТ ҲУЗУРИДА

Тўқимачилик ихтисослиги бўйича малакали кадрларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бундай касб эгаларини тайёрлашда Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли ҳунар-техника билим юртлари ҳам комбинат ҳузуридаги йирик ўқув масканига айланади.

Янги билим юрти корхона ёрдами билан кўргазмали ўқув қуроллари билан тўла жиҳозланди. Шунингдек, замонавий тўқимачилик машиналари ўрнатилди.

Кадрлар ўчоғида ўнга яқин турли тўгараклар ҳам очилади. Стенография ва машина ёзувини ўрганишга қизиқувчилар учун тўгараклар ташкил этилади. Билим юртида тайёрлов курсларини очиш кўзда тутилди.

Бу йил мазкур даргоҳ 300 нафар йигит-қизни ўз бағрига олади.

А. АЛИЕВ.

тонгги газеталарда

● «Ўқитувчилар конференциялари»— «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● 21 август куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида тантанали вазиятда мукофотлар топширилди.

Ўн ва ундан кўп болатарбиялаб ўстирган аёлларга «Қаҳрамон она» орденлари топширилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, фан ва маданият илғорларидан катта бир группаси Ўзбекистон ССР фахрий унвонлари берилганлиги ҳақидаги ёзувҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини олишди.

Партия турмуши

МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИБ, НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Партия ижрони контроль қилиш ва текширишни партия, совет ва хўжалик ташкилотлари фаолиятини янада яхшилашнинг, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашнинг, топширилган иш учун масъулият ҳиссини оширишнинг синалган воситаси деб қарамоқда.

КПСС XXVI съезди илгари сурган, ўз миқёси жиҳатидан жуда улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш партия раҳбарлиги самарадорлиги оширилишини, партия ташкилотлари фаолиятининг услуб ва методлари яхшиланишини, партия ташкилотчилик ишининг муҳим таркибий қисми сифатида ижрони контроль қилиш ва текширишни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездининг қарорлари асосида ижрони контроль қилиш ва текширишни янада такомиллаштириш тўғрисида» қабул қилган қарори партия ташкилотлари олдига ташкилотчилик ишлари савиясини янада ошириш, ижрони контроль қилиш ва текширишни кучайтириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш вазифасини қўйди. Бу эса контролнинг партия ва ҳукуматимиз директиваларини бажариш юзасидан амалий ишлар билан уйғунлаштириб қўшиб олиб боришига эришиш демакдир.

Ижрони текшириш кўлгина партия ташкилотлари ишида ҳамон танг жой бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, контролнинг аниқ системаси йўқ, раҳбарлар қоғозбозлик усулида иш кўришади, интизомсизлик ва уюшқоқсизлик фактларига принципиал баҳо берилмайди. Асоссиз, кўпинча эса унча заруратсиз такрорий қарорлар қабул қилиш практикасига ҳали тўла барҳам берилган эмас. Бу эса партия комитетлари ва раҳбарларнинг аввалги қарорларни бажармаганликда айбдор бўлган шахсларга нисбатан етарлича талабчанлик кўрсатмаётганидан далолат беради.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездида: «Қарор қабул қилинганидан кейин унинг белгиланган муддатда сўзсиз бажарилишига эришмоқ керак. Контролнинг кучайтирилиши ана шунга ёрдам бериши лозим», деган сўзларини ҳар бир партия ташкилоти жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилиши керак. Бу— партия белгилаган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг гаровидир.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездининг қарорлари асосида ижрони контроль қилиш ва текширишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори барча тоифадаги раҳбарлар ва айниқса партия ходимлари зиммасига партия ва ҳукумат директиваларини, буйруқларини бажариш учун бошқарув аппаратининг барча звеноларида масъулиятни ошириш вазифасини юклайди. Коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда биринчи даражали роль ўйнайдиган бошланғич партия ташкилотларида ижрони контроль қилиш ва текшириш савиясини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг корхонамизда қабул қилинган қарорлар ижросини контроль қилиш бўйича кўпгина тажриба тўпланган. Партия йиғилишлари, партком мажлисларида қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётгани ҳақида коммунистларнинг ҳисоботлари ва ахборотларини мунтазам тинглаб борамиз. Уларнинг ижодий ташаббуслари, амалий таклиф ва мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаймиз. Завод партия комитетида контроль карточкаси юритиляпти. Унинг ўн бир формаси бор. Уларнинг ҳар бири муайян аҳамият касб этган: коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари қандай амалга оширилаётганидан тортиб, корхона коммунистларига берилган партиявий топшириқлар адо этилишигача — ҳаммаси акс этади. Контролнинг бу системаси ишга аниқлик киритяпти, масалаларни тез ва оператив ҳал этиш имконини беряпти.

Бир неча конкрет мисоллар киритмоқчиман. Қуюв цехи коммунистлари ўз партия группаларининг тузилиш структурасини яхшилаш юзасидан фикр билдиришди. Завод партия комитети цех партия бюроси билан биргаликда партия группаси ишини яхшилаш юзасидан тадбир ишлаб чиқди, бу ишни ўз контроли остига олди. Бу эса амалий натижа берди. Ҳозир цех партия группалари корхонанинг энг жанговар ва сафарбар этувчи партия группалари бўлиб қолди.

Эксперименталь цехи ишчилари партия ўқуви системасида машғулотлар юзасидан кўпгина эътирозлар билдиришди. Негаки, машғулотлар паст савияда, кўпинча юзаки ўтар, лекциялар номигагина ўқилар, тингловчиларнинг машғулотлардаги иштироки ҳам кўнгилдагидек эмасди. Партия комитети завод партия маорифи кабинетига аниқланган нуқсонларни кўриб чиқиш ва уни тузатиш юзасидан чоралар кўришни топширди. Қабул қилинган қарорнинг контроль қилинишига текширилиши эксперименталь цехи марксизм-ленинизм асослари мактабининг корхона бўйича энг яхши мактабларидан бири бўлиб қолишига ёрдам берди.

Афсуски, қарорда белгиланган ҳамма вазифалар ҳам тўла амалга ошириляпти, деб бўлмайди. Масалан, Н. Сулаймонов бир неча бор 3-механика цехига квартал учун ишлаб чиқариш топшириқлари анча кечикиб берилиши ҳақида фикр билдирган эди. Биз бу масала устида кўп бош қотирдик. Лекин ҳалигача уни бажаришга эришолмадик.

Қарорда жуда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, бошланғич ташкилотларда юксак талабчанлик ва ишчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид, камчилик ва нуқсонларга муросасизлик вазияти яратилиши керак. Бу масалада ҳам бизнинг олдимизда кўпгина ишлар турибди. Бўшашувчилликка барҳам бериш, топширилган ишни барбод қилган кишиларга қатъийроқ ёндошиш, сансалорлик ҳолларига қарши курашиш, давлат планларини бажариш, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш учун ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятини ошириш «КПСС XXVI съездининг қарорлари асосида ижрони контроль қилиш ва текширишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорда олдимизга қўйилган энг муҳим вазифалардандир. Бу қарорни амалга ошириш биринчи галдаги вазифамиздир.

Н. НИЗОМОВ,
«Таштекстильмаш» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари.

● МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИ БУРИЛАБ

ЭКСПОНАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи якшанба кунлари томошабинлар билан айниқса гавжум бўлади. Бу ерда шаҳримиз санъат мухлисларини ҳам, Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан келган сайёҳларни ҳам, чет эллик туристларни ҳам учратиш мумкин. Улар музей экспонатлари билан танишар экан, республикамиз тасвирий санъати тарихига сафар қилгандек бўладилар. Шунинг учун ҳам музей экспозицияси мунтазам энг янги асарлар билан тўлдириб борилади.

Яқинда 30 га яқин экспонат музей залларидан ўрин олди. Бу асарлар орасида Ўзбекистон халқ рассомлари Ю. Елизаровнинг «СССР халқ артисти Шукур Бурхонов портрети», Р. Аҳмедовнинг «Тоштемиров портрети», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари В. А. Фадеевнинг «Уста темирчи Яхшибой ота», А. Е. Винернинг «Дугоналар», Р. Чориевнинг «Археолог Г. Пугаченкова», «Сурхондарё оҳанглари» сингари асарлари бор. Шунингдек, бир қатор ёш рассомларнинг асарлари ҳам намойишга қўйилди.

Эртага музейга ташриф буюрадиган томошабинлар экспонатларни томоша қилиш билан бирга, лекторийлар залида санъатнинг турли проблемаларига бағишланган лекцияларни тинглайдилар, санъат ҳақидаги ҳужжатли ленталарни кўрадилар.

МАШҲУР РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазма залида таниқли рассомларнинг ҳамда истеъдодли ёш мўйқалам усталарининг асарларини намойишга қўйиш яхши анъанага айланиб қолган. Яқиндагина бўлиб ўтган З. Иноғомов, Г. Чернухинларнинг шахсий выставкалари катта муваффакият козонди.

Эртага кўргазма залига келадиган санъат мухлислари машҳур совет рассоми, республикамиз тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшган П. Беньков асарлари билан танишадилар. Рассом туғилган куннинг юз йиллигига бағишлаб ташкил этилган бу кўргазмада олтмишга яқин асар намойишга қўйилган. Улар орасида портретлар, манзара асарлар, йирик бадиий полотнолар бор. Рассом асарлари республикамизда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, коллективлаштириш йиллари ҳақида ўзига хос жонли бадиий ҳикоядир.

● ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

«СЕНИНГ ИСМИНГ»

Шаҳримизда меҳмон бўлиб турган Амур область драма театри коллективи эртага томошабинлар эътиборига ҳавола этадиган спектакль ана шундай деб аталади. Спектакль таниқли совет адиби П. Проскурин асари асосида тайёрланган. Замонавий мавзудаги бу саҳна асари муҳим ахлоқий проблемалардан баҳс этади.

Амур область драма театрининг спектакллари М. Горький номидаги рус давлат академик драма театри биносида намойиш этилмоқда. Санъат мухлислари театр коллективининг тарихий ва замонавий мавзудаги асарларини марок билан томоша қилмоқдалар. Театр репертуарида таниқли совет драматурглари В. Шукшин, В. Розов, П. Проскурин, В. Белов, А. Штейн ва бошқаларнинг асарлари бор.

СУРАТДА: Л. Зорининг «Шоҳона ов» спектаклидан бир саҳна.
С. Каган фотоси.

● МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИДА

ТЎГАРАКЛАР ИШ БОШЛАДИ

Якшанба кунлари темирйўлчилар маданият саройи болаларнинг қувноқ қаҳ-қаҳасига тўлади. Улар саройнинг бир катор тўгараклари, бадиий ҳаваскорлик коллективларида иштирок этадилар.

Куни кеча маданият саройининг ҳаваскорлик коллективлари каникулдан кейин дастлабки репетицияларни бошлаб юборишдилар. «Бригантина» драма коллективи А. С. Пушкининг «Тош меҳмон» асари асосида спектакль тайёрлашга киришди. «Гўзал» ўзбек рақс ансамбли коллективи эса Ленин районидаги мактаб ўқувчилари учун ўтказиладиган анъанавий байрамга атаб янги программа тайёрламоқда. Бу программа «Биринчи марта, биринчи синфга» деб аталади.

В. В. Лунёв бошчилигидаги тасвирий санъат студияси фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Студиячилар ўқув йилининг бошланишига бағишлаб, «Дунё—болалар кўзи билан» деб номланган кўргазма ташкил этишяпти. Унда студия иштирокчиларининг энг яхши ишлари намойишга қўйилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ОЗОДАЛИККА—ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

Ёз мавсуми озодалик ва тартибга айниқса қатъий риоя қилишни тақозо этади. Санитария қоидаларининг оз бўлса ҳам инкор этилиши юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов раислигида ўтган кенгашда ана шу фикр қайта ва қайта таъкидлаб ўтилди.

Сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистон пойтахтида тошкентликларнинг меҳнат шароитини, ҳаёти ва турмушини яхшилаш соҳасида талайгина ишлар қилинди. Яшил ниҳоллар майдони деярлик уч баравар кенгайиб, ҳозир етти минг гектарга етган. Кўп сонли боғлар, хиёбонлар, гулзорлар кўзни қувонтиради. Шаҳар аҳолисининг ярмидан кўпи ўз уй-жой шароитларини яхшилаб олдилар. Турар жойлар қурилиши, корхоналарни реконструкциялаш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ободонлаштириш соҳасидаги айрим камчиликлар ана шу манзарага доғ бўлиб тушмоқда. Айрим кўчаларда ахлатлар уюлиб ётади, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналарининг ҳаҳоли ҳамиша қаноатланарли деб бўлмайди. Бунинг бирдан-бир сабаби район ижроия комитетлари, санитария-эпидемиология хизматлари, уй-жой ташкилотлари санитария қоидаларини бузувчиларга нисбатан талабчанликни сусайтириб юборганлигидир.

«Автодормех б а з а»ишини аниқ ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳозирча ахлатлар график бўйича олиб кетилмаяпти, машина паркидан фойдаланиш коэффициенти ниҳоятда паст. Район Советларининг ижроия комитетлари ана шу масалага алоҳида эътибор беришлари лозим.

Уй-жой ташкилотлари, нинг фаолиятини яхшилаш зарур. Чунки ҳозир «Марказ—4», «Марказ—5» кварталларида, Юнусободда ертўласини сув босадиган ўнлаб уйлар бор. Бунинг асосий сабаби инженерлик коммуникациялари қониқарсиз аҳволда, ертўлаларни сувдан муҳофаза этиш тадбирлари тўла кўрилмаган, суғориш системалари ремонтга муҳтож.

Шаҳарнинг озода ва тартибли бўлиши кўп жиҳатдан аҳолининг ўзига ҳам боғлиқ. Ҳамшаҳарларимиз орасида ахлатни тўғри келган ерга тўкадиган, ҳовлиларида антисанитария ҳукм сураётган кишилар ҳам бор. Бу гап айниқса уйда мол боқаётганларга тегишлидир. Ахир шаҳар магистралларида қўй ва сигирларнинг яшил ниҳолларни яксон этиб, ўтлаб юриши билан чиқишиб бўладими? Бундай ҳолларга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Биз ишда ёки уйда, парк ёки хиёбонда, кинотеатр ёки ошхонада бўлишимиздан қатъий назар ҳамма жойда озодаликка риоя қилишимиз керак. Соғлиғимиз кўп жиҳатдан ана шуларга боғлиқдир.

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ЭНГ МУҲИМИ — МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

Октябрь ва Чилонзор районлари мусобақаси

Шаҳар статистика бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, мусобақалашаётган районлардаги саноат корхоналари, транспорт ва алоқа ташкилотларининг ишлаб чиқариш коллективлари ўтган йилдан ҳалқ хўжалик планларини муваффақиятли бажардилар.

Саноат маҳсулотлари реализация қилиш ҳажми бўйича январь—июль топшириқларини Октябрь райони — 2,9, Чилонзор райони —3,7 процент ошириб бажарди. Планга қўшимча равишда шу районлар 3.756 минг ва 1.793 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 3,8 ва 3,7 процент ошириб бажарилди. Саноат маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиши суръати 8,4 ва 6,9 процент кўпайди.

Октябрь район индустрияси меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 104,6 процент, Чилонзор райони — 103,9 процент бажарди. Районларда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,2 ва 2,7 процент кўпайди.

Мусобақадош районларда кейинги йилларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми нисбатан 10.781 минг ва 3.455 минг сўмлик кўпайди. Бунда Октябрь районида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 64,3 проценти, Чилонзор районида — 40,6 проценти меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига таъминланди.

«Ташкентвино», кўнгалантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмалари, 4-темирбетон буюмлари заводи (Октябрь райони), «Ташгазэнергоремонт», 2-пойафзал фабрикаси (Чилонзор райони) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 8—10 ва ундан ҳам кўпроқ процент кўпайишини таъминладилар.

Бир қатор корхоналарнинг коллективлари ўзларининг шартномадаги мажбуриятларини бажара бориб, йиллик мажбуриятда белгиланганидан кўра кўпроқ ҳажмда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқардилар. «Ташкентвино» бирлашмаси, 10-босмахона (Октябрь райони), шаҳар ремонт қурилиш трести ишлаб чиқариш корхоналари комбинати, Ўзбекистон кар-соковлар жамиятининг 2-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг 1-ишлаб чиқариш комбинати (Чилонзор райони) шулар жумласидандир.

Шу билан бирга кўн-мўйна, металл-фурнитура заводлари, тикув ишлаб чиқариш, «Матбуот» полиграфия, «Малика» трикотаж (Октябрь), «Промсвязь» заводи, «Промгражданстрой» трести ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси (Чилонзор) каби бир катор корхоналар шартномада белгиланган ҳажмда маҳсулотлар етказиб бериш бўйича план топшириқларининг бажарилишини таъминлай олмадилар.

Октябрь районида январь-июль ойларида корхоналарда ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажмининг 16,9 проценти, Чилонзор районида — 6,4 проценти давлат Сифат белгиси билан тайёрланди. Маданий-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш плани Октябрь районида — 111,5 процент, Чилонзор районида — 107,3 процент бажарилди. Маданий-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан Октябрь районида — 129,7 процентни, Чилонзор районида — 111,4 процентни ташкил этди.

Октябрь районидаги чўтка ва картон буюмлари комбинати маданий-маиший ва хўжалик учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқариш етти ойлик планини уддалай олмади. «Промгражданстрой» ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси ва бадиий буюмлар фабрикаси тайёрланган маҳсулотлар таннархини бир мунча ортиб кетишига йўл қўйди.

Мусобақадош районларда қолоқ корхоналар йўқ. Шундай бўлсада, баъзи-бир ишлаб чиқариш бўлинмалари ойлик программани бажара олмадилар. Масалан. Октябрь районида 1 цех, 14 участка, 23 бригада, 388 ишчи. Чилонзор районида —битта цех, битта участка, тўртта бригада, 27 ишлаб чиқарувчи қолоқлар қаторидан ўрин эгалладилар.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (молия билан таъминлашнинг марказлаштирилган манбаи — 1981 йилнинг январь — июнь ойлари маълумоти (Октябрь районида — 70 процент. Чилонзор районида 119 процент бажарилди. Октябрь районининг қурилиш-монтаж ташкилотлари уй-жойларни қуриб фойдаланишга топшириш олти ойлик планини — 121 процент, Чилонзор райони—130 процент бажарди.

Январь— июль ойлари социалистик мусобақа якунини Чилонзор район партия комитетининг саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири А. УМАРОВ шарҳлайди:

—КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида «Мусобақадошларнинг куч-ғайрати меҳнат унумдорлигини тез ўстиришга, маҳсулот сифатини оширишга, ҳом ашё, материал-ёқилғи ва электр энергиясин тежашга, асосий фондлардан яхши фойдаланишга, маҳсулотни етказиб бериш планларини белгиланган муддат ва номенклатурада сўзсиз бажаришга йўналтирилсин», деб биринчи галдаги вазифалардан бири қилиб қўйилган.

Чилонзор ва Октябрь районларининг мусобақадош меҳнаткашлари бу қарорни ўзлари учун жанговар программа, деб қабул қилдилар. Беш йиллик топшириқни икки ярим йилда бажариш, 1981— 1985 йилларда камида ўн йиллик топшириқни бажариш юзасидан бошланган «Ўн бешлар ташаббусига фақат Чилонзор районидаги саноат корхоналарининг ишчиларидан 200 га яқин новаторлари қўшилишди.

Шаҳардаги илғор корхоналардан ўрнак олган 2-пойафзал фабрикаси, Тошкент шаҳар ижроия комитети саноат корхонасининг комбинати, Ўзбекистон кар-соковлар жамияти 2-ўқув ишлаб чиқариш комбинати ва бошқа корхоналарнинг бешта цех коллективлари ва юзлаб ишчилари йиллик планни Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига бажаришга қарор қилдилар.

Асосий фондлар, ускуналардан яхши фойдаланиладиган, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга катта эътибор бериладиган бўлинди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш айнан ана шу асосда таъминланади.

Кейинги пайтларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми суръатини 6,9 процент ўстиришга эришилганлиги — умуман ёмон кўрсаткич эмас. Лекин белгиланган топшириққа асосан, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни бундан буён янада кўлайтиришни таъминлаш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатини 9,7 процентга кўтариш керак.

Бу борада ҳам чилонзорликлар олдида ҳал қилиниши керак бўлган кўпгина масалалар турибди: мажбуриятда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга меҳнат унумдорлигини камида 85 процент ўстириш ҳисобига эришиш кўзда тутилган. Лекин бу кўрсаткич етти ойликда атиги 40,6 процентни ташкил этди. «Промсвязь» заводида бундан ҳам паст— 11 процент.

Электр рўзғор асбоблари заводида ҳам шу каби манзарани кўриш мумкин. Бунинг устига бу корхонада ишлаб чиқариш майдонининг атиги ўндан икки қисмидан фойдаланилмоқда.

Кам маблағ сарфлаган ҳолда, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат унумдорлигини оширмай туриб эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бундан буён ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш ҳаракатига алоҳида эътибор бериш, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш керак.

Нина Сергеевна Гричанюкни Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-цехида ҳамма ҳурмат қилади. Мана 30 йилдирки, у шу корхонада тер тўкиб, кўплаб шогирдлар етиштирмоқда. Шу кунларда смена топшириқларини 20 процентга ошириб адо этаётган моҳир чевар йилни зарбдорона якунлаш учун ҳаракат қиляпти.

И. Шоиноғомов фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ОҚЛАНГАН ИШОНЧ

— Партия группасининг ташкилотчиси қилиб яна Убайдулла Тошпўлатовни сайлашни таклиф қиламан.— деди слесарь Николай Сатторов партия группасидаги ўртоқларига мурожаат қилиб. — У бизнинг ишончимизни оқлади.

«Ташсельмаш» заводи тайёрлаш цехи слесарлик-механика участкасининг коммунистлари У. Тошпўлатов номзоди учун якдиллик билан овоз бердилар. У бошчилик қилган партия группаси ҳисобот даврида иш самарадорлиги ва сифати учун курашда ўз ролини анча оширди. Убайдулла ўз ўртоқлари билан меҳнат қилаётган участка шу йилнинг ўзидагина социалистик мусобақада сурункасига тўрт ойдан буён заводда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Партия группасининг йиғилишида КПСС XXVI съездининг қарорларини бажариш ҳақида коллективнинг вазифалари муҳокама қилинди. Йиғилишда У. Тошпўлатов беш йиллик топшириқни уч ярим йилда бажариш тўғрисида биринчи бўлиб ўз зиммасига мажбурият қабул қилди. Кўпгина бошқа ишчилар ҳам ундан ибрат олдилар. Коммунистларнинг ташаббуси билан коллективда «Қолоқларсиз ишлайлик» деган шиор остида мусобақа авж олдириб юборилди. Ҳар бир партия аъзоси ёш ишчиларни ўз оталигига олди, уларга ўз малакасини оширишда кўмаклашди.

Убайдулла Тошпўлатовни қўли гул одам дейишади. Убайдулла цехда ўн бир йилдан буён ишламоқда. У бу ерга отасидан ибрат олиб ишлаш учун келган эди. У. Тошпўлатов олтита турдош касбни: слесарлик, қолипчилик, чархлаш, созлаш, пайвандлаш каби касбларни мукаммал ўзлаштириб олди. Тажрибали ишчи орттирган тажрибасини бажонидил ёшларга ўргатмоқда, у ҳозиргача ўн уч нафар шогирд тайёрлади. Комсомол аъзоларидан Сергей Дмитрук ва Исрофил Абриевлар яқиндагина слесарлик касбини ундан ўрганишган эди. Ҳозир эса уларнинг ҳар иккаласи нормани ҳозирдаёқ ошириб бажармоқда, бракка йўл қўймаяпти.

Участкада меҳнат унумдорлиги кун сайин ошиб бормоқда. Социалистик мусобақанинг кенг ошкоралиги бунга ёрдам бермоқда. У. Тошпўлатовнинг таклифига биноан «Меҳнат беллашуви экранлари» ўрнатилган стендлар янгидан жиҳозланди, бу стендлар конкрет ва оперативроқ бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Қурувчилар меҳнат вахтаси

БУДАПЕШТ. Дунай металлургия комбинати ва Мишкольцдаги В. И. Ленин номли комбинатнинг янги замонавий цехлари, Дебрецен ва Сегед тўқимачилик фабрикалари каби корхоналар Венгрия иқтисодий картасида сўнгги ойлардагина пайдо бўлди. Мамлакат қурилиш саноати ходимлари ўз куч-ғайратларини шу беш йилликда ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратиб, кўпгина объектларни муддатидан илгари топширдилар.

Шу кунларда Венгрия қурувчилари ўз меҳнат вахталарини «Тез ва энг кам материал сарфлаб қурайлик» деган шиор остида олиб бормоқдалар. Уларнинг меҳнати эвазига мамлакатда биринчи Пакш атом электростанциясининг қиёфаси ўзгариб бормоқда, бу станция Совет—Венгрия ҳамкорлиги доирасида барпо этилмоқда.

Шу беш йиллик мобайнида ВҲР қурувчилари қарийб 400 минга янги турар-жой биноларини барпо этишлари керак.

ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШ

ВЬЕНТЬЯН. Лаоснинг асосий ғалла қони Чампассак вилоятининг шоликор деҳқонлари халқ революцион партияси ва ЛХДР ҳукумати мамлакатни социал ва иқтисодий ривожлантириш биринчи беш йиллигида (1981 —1985 йиллар) ўртага қўйган кооператив ҳаракатининг энг муҳим вазифаларини муҳокама қилдилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларини бошқариш масалаларига бағишланиб бу ерда бўлиб ўтган кенгашда деҳқонларни кооперативларга бирлаштириш, шунингдек давлат хўжаликлари ва ихтисослаштирилган фермаларни ташкил этиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун олиб борилаётган ҳаракатнинг истиқболли йўналишларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги кунда мамлакатдаги деҳқон оилаларининг чорак қисмидан кўпроғи кооперативларга бирлашиб меҳнат қилмоқда., Чампассак вилоятида уч юздан ортиқ ширкат ва кооператив мавжуд бўлиб, бу ширкатларда биргаликда ерга ишлов берилмоқда.

23 АВГУСТ— РУМИНИЯ ФАШИСТЛАР АСОРАТИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН КУН (1944).

Бухарестни туристлар шаҳри ҳам дейишади. Кўп сонли меҳмонлар бу ерга шаҳарнинг 500 йиллиқ тарихи, нўҳна ёдгорликлар ва замонавий районлар билан танишиш учун келадилар.

СУРАТДА: «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси.

СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия пойтахтида Африка марказий банклари бирлашмасининг еттинчи навбатдаги мажлиси янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш учун курашда ривожланаётган мамлакатларнинг жипслиги ва бирлигини мустаҳкамлаш шиори остида ўтди.24 та миллий ва халқаро молия агентликлари ҳамда ташкилотларнинг вакиллари валюта, молия ва банк ишларида ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек регионда валюта ва молиявий барқарорликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш юзасидан конкрет тадбирларни кўриб чиқдилар.

Учрашувда сўзга чиққан Эфиопия катта министри Хайлю Йемену қитъада империалистик давлатларнинг узоқ вақт хукмронлик қилганлиги Африкадаги мамлакатларнинг иқтисодий ва социал жиҳатдан орқада колганлиги учун асосий сабаб эканлигини таъкидлади. Империалистик давлатлар ўз мустамлакаларида техника ва индустрия негизларини барпо этишга атайлаб тўсқинлик қилган эдилар.

Африка бирлиги ташкилотининг бош секретари Э. Кожо Африка мамлакатларини миллий ва коллектив ўз-ўзини таъминлаш негизида социал ва иқтисодий тараққиётга эришиш учун бутун кучларини сарфлашга чақирди.

Ю. ПИЧУГИН.

ЯНГИ КИТОБ

ХАНОЙ. «Вьетнам адабиёти тарихи»нинг биринчи томи босмадан чиқди.

Китоб Вьетнам давлати ташкил топган пайтдан бошлаб XIX асрнинг 50-йилларигача бўлган адабий ривожланиш даврини ўз ичига олади. Илмий асарда майда миллатлар ёзма ижодиниг ривожланишига Вьетнам адабиёти тарихининг ажралмас қисми сифатида катта эътибор берилган.

СССРнинг ёрдамига таяниб

ДЕҲЛИ. «Бхарат хэви электрикалз лимитед» (БХЭЛ) давлат корпорацияси бу ерда ўтказилган тадқиқотлар натижасида Ҳиндистондаги энг серунум ва рентабель саноат бирлашмаси деб топилди. Бу — мамлакатда турбиналар, трансформаторлар, конденсаторлар, электромоторлар ва бошқа асбоб-ускуналар етказиб берувчи мамлакатдаги етакчи бирлашмадир.

БХЭЛнинг асосий корхонаси — СССРнинг ёрдами билан Хардварда қурилган, оғир электр асбоб-ускуналари заводининг маҳсулотлари Ҳиндистонда ва чет элларда катта шуҳрат қозонган. Завод Парли, Бадарпурдаги иссиқлик электростанцияларини, кўплаб гидроэнергетика обектларини жиҳозлаган. Хардвардаги завод миллий энергетикани Ҳиндистонда энг кучли бўлган 210 минг киловольтли буғ турбиналари билан таъминлайди.

Машинасозлик— Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги самарали иқтисодий ҳамкорликнинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Ранчидаги оғир машинасозлик заводини бу мамлакатда «Ҳиндистон уралмаши» деб атайдилар. Корхона кокс батареялари, домна, пўлат қуйиш, нефть қазиб чиқариш асбоб-ускуналарини, кранлар, экскаваторлар ишлаб чиқаради. Корхона 1980 йилгача мамлакатга қарийб 425 минг тонна ана шундай маҳсулот берди.

Совет Иттифоқининг ёрдами билан Дурғапурда қурилган кон-шахта асбоб-ускуналари заводи Ҳиндистон кончилик саноати эҳтиёжларини таъминлаб турган энг катта корхонадир.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган машинасозлик корхоналари зиммасига Ҳиндистонда ана шу тармоқ тайёрлаётган маҳсулотнинг 85 процентини тўғри келмоқда. Совет Иттифоқи Ҳиндистон машинасозлиги учун малакали кадрлар тайёрлаш ишига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ҳамкорлик йиллари мобайнида Ранчи ва Дургапурдаги заводларнинг ўзидагина ишчи, инженер, техниклардан 3500 дан кўп киши совет мутахассислари раҳбарлигида таълим олди. Хардвард заводидан ҳиндистонлик 300 дан кўп меҳнаткаш совет корхоналарида ва СССР олий ўқув юртларида ўз малакасини оширди.

С. КАРМАЛКТО.

Янги ҳосилга замин

ГАВАНА. Мамлакатда шакаркамишни йиғиштириб олиш ва қайта ишлаш ишлари қизғин борадиган куз, қиш ва баҳор ойларида Куба қанд-шакар саноати меҳнаткашлари учун долзарб палла бошланади. Аммо ёз ойларида ҳам далаларда қишлоқ хўжалиги машиналари моторларининг шовкини тинмайди. Қишлоқ меҳнаткашлари янги ҳосилга замин тайёрлаб кўкламда бошлаб юборилган шакаркамиш экиш ишларини тугаллаб, уларни культивация қилиб, далаларга ўғит солмоқдалар. Бу йил улар ўзлари эришган муваффақиятлари билан фахрланса лар арзийди. Матбуотда эълон қилинганидек, биринчи ярим йиллик якунига кўра, шакаркамиш экиш плани 107 процент бажарилди.

Экинларни культивация қилиш топшириқлари қарийб бир ярим баравар ошириб бажарилди— бу борада Сьенфуэгос, Касагуэй, Ольгин, Матансас вилоятлари айниқса намуна бўлди. Майдонларни бегона ўтлардан тозалашда ҳам кўп иш қилинди. Куз мавсумининг яқинлашиб келаётганлиги тармоқ ходимлари олдига янги вазифаларни қўяди. Августда ва сентябрь ойининг бошларида улар олдиндан тайёрлаб қўйилган ерларга қўшимча равишда шакаркамиш кўчатлари экишлари керак бўлади.

МУССОН ВА ВАРРАКЛАР

ДЕҲЛИ. Шимолий Ҳиндистонда ёзги муссон келиш даврини кўпинча, «Варрак мавсуми» деб ҳам айтишади. Муссон пайтида тез-тез мўл ёғин-сочиндан ташқари қаттиқ шамоллар ҳам бўлиб туради. Шу пайтда шаҳар ва қишлоқлар осмонида юз минглаб ранг-баранг қўлбола «қушлар» парвоз қилади. Магазин ва дўконларда варрак бозори қизийди. У ердан гоят хилма-хил рангдаги катта-кичик ҳар хил варраклардан биронтасини танлаб олишингиз мумкин. Варраклар юпқа ва пишиқ шоли қоғоздан ва бамбук чўпларидан тайёрланади.

Ҳиндистонда муссон чоғида варрак учириш анъанасига кўп асрлар бўлган. Ривоятларга кўра, ҳатто маъбуд Кришна ҳам варрак учирган. Халқ рассомларининг қалимги Ҳинд ривоятларидаги мана шу машҳур персонажга бағишланган кўпдан-кўп асарларида шу манзара акс этган.

Ҳозирги кунларда варрак учириш ҳинд болаларининг суйган эрмаги бўлиб, баъзан каттадар ҳам марок билан варрак учиришга қўшилишади.

Диктаторлик режимлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар

БРАЗИЛИА. АҚШ Лотин Америкаси мамлакатларида зўрайиб бораётган озодлик ҳаракатини бостиришга ва ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилиб, региондаги диктаторлик режимлари билан ҳарбий ҳамкорликни кучайтирмоқда, «Коррео Бразилиэнси» газетасининг қайд этишича, ҳозирдаёқ Американинг ҳарбий маслаҳатчилари Сальвадор, Гондурас ва Гватемалада иш кўрмоқдалар. АҚШ ана шу мамлакатларга катта ҳарбий мадад бермоқда.

АҚШ маъмурияти, деб таъкидлайди газета, ўз ҳатти-ҳаракатларини «регионда барқарорликка» эришишга интиляпмиз, деб оқлашга ўринмоқда. Аслида эса гап Америка монополияларининг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидагина бормоқда. Вашингтон шу мақсадни амалга ошириш учун ҳатто АҚШда амалда бўлган қонунларни бузишгача бориб етди. Ана шу қонунлар инсон ҳуқуқларини поймол этаётган режимларга қурол-яроғ етказиб берилишини расман тақиқлайди.

«Коррео Бразилиэнси» газетаси АҚШ Лотин Америкаси давлатларини Вашингтон тузаётган янги агрессив блок— Жанубий Атлантика шартномаси (САТО) ташкилотида қатнашишга мажбур этиш мақсадида уларга тазйиқни ҳам кучайтираётганини таъкидлайди. Мақалий матбуотнинг ўқтиришича, САТОнинг тузилиши Вашингтоннинг региондаги мамлакатлар ички ишларига яна ҳам активрок аралашиш, Лотин Америкасида қуролланиш пойгасини кучайтириш имконини беради.

Бунда АҚШ Пиночет режимига асосий умид боғламоқда. Иккала мамлакат олий ҳарбий қўмондонлиги вакилларининг борди-келдиси кучайиб кетганлиги ана шундан далолат беради, деб ўқтиради «Коррео Бразилиэнси» газетаси.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Шаҳрим—фахрим

Обод этиш иштиёқи

Шаҳар гўзаллиги фақат кўркам ва нодир бинолар ёки яшил бойлиги билангина белгиланмайди. Равон кўчалар, ободонлаштирилган бекатлар ва автомобиль тўхташ жойлари ҳам унинг ҳуснига чирой қўшади. Ана шу гўзалликни яратувчилардан бири шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли нхтисослаштирилган йўл-эксплуатация трести коллективидир.

Йўлсозлар шаҳарнинг барча меҳнат коллективлари қатори Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан ободонлаштириш ишларини кучайтиришяпти. Айниқса, кўчаларни капитал ремонт қилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ўтган етти ойда 538 минг квадрат метр қатнов йўли, шу жумладан 98,9 минг квадрат метр йўлкалар капитал ремонт қилинди. Ҳаммаси бўлиб, 3 миллион 344 минг сўмлик иш бажарилди. Натижада Ойбек, Энгельс, Зиёмов, Уйғур, Истироҳат каби ўнлаб кўчалар транспорт ва йўловчилар қатнови учун созланиб, қулай қилиб қўйилди. Октябрь, Акмал Икромов районлари, Қорақамиш, Юнусобод массивларида автомобиль қўйиш жойлари барпо қилинди. Шаҳримизнинг турли жойларида 16 та янги транспорт бекати қурилди.

Трест коллективи депутатларга берилган наказлар бўйича ҳам бир қанча ишларни бажаради. Ҳозиргача С. Вурғун, Қизил Шарқ, Шерозий каби кўчаларда яшовчи аҳолининг истаклари амалга оширилиб, кўчаларга асфальт ётқизилди, ҳаммаси бўлиб 12 та объектда шундай иш бажарилди.

Ҳозир йўлсозлар Уста Ширин кўчасини комплекс капитал ремонт қилиш ишларини ниҳоясига етказишяпти. Фарҳод, Х. Турсунқулов кўчаларидаги ишлар қизғин олиб бориляпти. Ленин проспекти, Халқлар дўстлиги, Генерал Петров кўчаларини капитал ремонт қилиш ҳам шу йил охиригача тугалланади.

Ҳамшаҳарларимиз кейинги йилларда, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари олдига, айни пайтда ободонлаштирувчилар олдига катта талаблар қўйишяпти. Айниқса, транспорт бекатларига соябонлар ўрнатиш ишлари суст бораётганлигидан ўринли шикоят қилишяпти. Шу боисдан трест коллективи бу соҳадаги ишларни кучайтиришга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширяпти. Ўтган етти ойда Ленин проспекти, Энгельс, Шота Руставели, Луначарское шоссе, Беруний кўчалари. Хадра майдони ва бошқа жойлардаги бекатларга 58 та замонавий соябон ўрнатилди. Фақат Хадра майдонидаги чиройли архитектура кўринишига эга бўлган соябон қурилишида 20 минг сўмлик иш бажарилди.

— Шу йил охиригача шаҳримизнинг турли жойларида яна 80 та соябон ўрнатишимиз керак. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мумкин эди. Бироқ, зарур ускуналар етишмайди. Таъминотчилар панд беришяпти, — дейди трест техника бўлими бошлиғи Н. Толибжонов.

Чиндан ҳам йўловчиларни қишнинг қор ва ёмғири, ёзнинг жазирама иссиғидан муҳофаза қилувчи соябонларни кўпайтириш лозим. Шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг тегишли бўлимлари соябонлар учун зарур ускуналар етказиб берилишини таъминлашлари керак.

Ишда юқоридаги каби айрим қийинчиликларга қарамай, ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация трести коллективи ўз олдига ҳал этиш учун барча имкониятлардан фойдаланяпти. Айниқса, ишчи ва хизматчилар ўртасида социалистик мусобақа авж олдирилянти. Бу мусобақада учинчи участкадан З. Ҳафизов бригадаси ва Ж. Расулов бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси пешқадамлик қилянти. Улар шаҳримиз кўчаларини янада равон, йўлка ва бекатларни янада обод қилиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

М. МУРОДОВ.

Аҳмаджон Мусаев 16 йилдан буён 2-пойафзал фабрикасида бичиқчилик касбини ардоқлаб келаётганлардан бири. Коммунист ишчи ўн биринчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган. А. Мусаев ҳалқ контроли группаси аъзоси сифатида ҳам фаоллик кўрсатяпти.

Х. Мирзакаримов фотоси.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ҚИШГА ҒАМЛАШ УЧУН

Коммунистик районида қуриб битказилган янги типовой омборда 1200 тоннадан ортиқ сабзавот сақлаш мумкин. Бу ерда сабзавотлар улкан металл контейнерларга жойлаштирилади-ки, улар маҳсулот ташишни тўла механизациялаш имконини беради. Кучли вентиляция установкалари тез бузилиб қоладиган маҳсулотнинг баҳорнинг сўнгги ойларигача яхши сақланишини таъминлайди.

«Ўзбекбирлаш у ёдан хабар беришларича, Қашқадарё, Бухоро ва Фарғона областларида ҳам ана шундай сабзавот омборлари ишга туширилди. Республика кооператорлари ўтган йилдагига қараганда 5,5 минг тонна кўп сабзавот ва меванн қишга сақлашни мўлжалламоқдалар.

АСАЛ ИИҒИШТИРИБ ОЛИНМОҚДА

Бу йил республика Ўрмон хўжалиги министрлигига қарашли асаларичилик хўжалиги. да етиштирилган асалнинг ҳаммаси — қарийб 2 минг центнер асал савдо тармоқларига жўнатилади. 42 та асаларичилик хўжалигидан олинган асал Тошкент ўрмон хўжалигига жўнатилмоқда. Бу ерда механизациялаштирилган махсус асал қуйиш цехи қурилган, асални шиша ва полиэтилен банкаларга қуядиган конвейер линия монтаж қилинган.

(ЎзТАГ).

Өз-өз ўрганиб доно бўлур...

⊙ Умр — қимматли бир хазина, уни хайрли ерларга сарф этиш лозим. Зарарли, фойдасиз ишларга сарф этишдан сақланайлик.

⊙ Жаҳл-ғазаб, қўполлик билан ҳосил бўлмаган кўп ишлар гўзал тадбир, хушмуомалалик билан ҳосил бўлади.

⊙ Илм пул билан эмас, саъй-ғайрат билан ҳосил бўлади.

⊙ Болаларимизга гўзал тарбия бериб, жамиятимизнинг фойдали аъзолари этиб етиштириш ҳаммамизнинг муқаддас вазифамиздир. Тарбия иши фақат отаона ва муаллимларгагина хос эмас, бу ишда барчамизнинг иштирок этишимиз керак. Бир одамнинг фаразанди номаъқул иш қилиб турганини кўрган бошқа бир одам, болани у номаъқул ишдан қайтариши, насиҳат қилиб уни тўғри йўлга қўндириши лозим. «Менга нима, керак бўлса, ота-онаси тарбиялаб олсин», — деб парво қилмай ўтиб кетиш тўғри эмасдир, буни унутмайлик.

Байт:

Ҳар ўғил, қизга керак,
шаксиз, нурафшон тарбият,
Бахш этар авлодимизга
иззату шон тарбият!

⊙ Арасту Ҳаким айтади:

— Тили бор кишининг тилсиз кишидан фарқи сўз, унинг зийнати эса тўғриликдир. Демак тилсиз киши ёлғон сўзловчидан хайрлироқдир. Тўғри сўзловчи кишининг сўзига ҳамма ишонади, у киши халқ қошида иззат ва ҳурматга эга бўлади.

⊙ Искандар Зулқарнайндан: «Дунёда тинч ва роҳатда ёки қайғу-ҳасратда умр кечиришга нималар сабабчи бўлади?» деб сўрадилар. Искандар: «Дунёда тинч ва роҳатда яшашга қўлда бор нарсага қаноат қилиш, қайғу ва ҳасратга эса, ҳасислик, очқўзлик сабабчи бўлади», — деб жавоб берди.

САЛОМАТЛИК ВА УЗОҚ УМР

⊙ Таълим ва тарбия олимларидан Муҳаммад Расул Расулий айтади:

Ҳикоят: — Кўз кунларидан бир кун сансон ёшга кирган бир чол ёғочдан ясалган уйда ўтирганди. Ниҳоятда қариганлигидан унинг соч-соқоли, жуда оқарган бўлса ҳам, юзи тўла, бели ва қўли қувватли, ҳамма аъзолари саломат эди. У чолнинг рўбарусида унинг набира ва абиралари ўйнашиб юрганди.

Шу вақтда бир йигит келди-да, чолга салом бериб, унинг ҳол-аҳволини сўради, чол билан бир оз сўзлашиб ўтиргандан кейин ундан шунча ёшга етган бўлса ҳам, ёш йигитлардек қувватли ва ғайратли эканининг сабабини сўради. Чол у йигитга:

— Ота-онам ёшлигимдан бошлаб кун чиққунча ўринмда ялқовланиб ётишга рухсат бермади, Шунинг учун эрталаб дарҳол ўрнимдан туриб бир иш билан машғул бўлдим, иш ва меҳнатдан сира ҳам эринмадим. Ишга ихлос билан берилиб, унн ўлда-жўлда қолдирмасдан тўла-тўкис битиришга ғайрат қилдим. Бутун умримни иш ва меҳнат билан ўтказдим. Иш-меҳнат бутун аъзоимни қувватли қилди, менга узоқ умр, саломатлик бағишлади. Энди ўғилларим ва набираларимни ҳам иш-меҳнатга ўргатиб тураман. Агар сен ҳам мендек кўп яшашни, қувватли ва соғ-саломат бўлиб умр кечиришни истасанг, иш-меҳнатдан асло тортинма. Ҳар вақт ихлос билан берилиб иш қил, ялқовликдан йироқ бўл,— деб жавоб берди.

ХОТАМ ВА КАМБАҒАЛ ОДАМ

Тарихда ўзининг саховати билан маълум ва машҳур Хотам Тоидан одамлар бир кун:

— Эй олижаноб, саховатли одам, дунёда ўзингдан ҳам саховатли одамни кўрдингми? — деб сўрадилар. Хотам:

— Кўрдим. Бир куни саҳрога чиқиб айланиб юрган эдим, ўрмондан йиғиб олган бир катта боғ ўтинини орқалаб кетаётган бир камбағал одамни кўриб қолдим. Бу камбағал одамнинг йўлини бир ўрта ёшли хотин тўсиб олиб, унга:

— Ҳозир қиш фасли, - болаларим жуда совуқ еб титраб турибдилар. Ўрмондан ўтин тўплаб олишга мажолим йўқ. Раҳм-шафқат қилиб шу ўтинингни менга бер, ўт ёқиб уйимни иситиб, болаларимни совуқдан сақлай, — деб ёлворди.

Ҳалиги камбағал одам хотин ва болаларнинг ҳолига ачиниб, ўтинини унга тоширди, ўзига яна ўтин териш учун ўрмон ичига кириб кетди. У кишининг қилган яхшилигини кўриб, мендан ҳам саховатли эканига ишондим, — деди.

Одамлар Хотамнинг сўзига таажжубланиб:

— У камбағал одам атиги бир боғлам ўтинни ҳадъя қилди, сен эсанг, халққа ҳар куни инъом, эҳсон қилиб турасан, шундай экан, қандай қилиб у одам сендан кўра саховатли бўлсин?— дедилар.

Хотам уларга:

— Менинг пулим, молу мулким жуда кўп, шу кўп нарсамдан халққа ёрдам бераман. У бечоранинг ҳеч нарсаси йўқ, камбағал одам. Шундай бўлса ҳам бир боғлам ўтинини у хотинга тоширди. Инсоф қилиб айтингиз-чи, саховатликда менми ёки у юқори турадими? — деб жавоб берди.

Байт:

Некибахт қилгай саховат
нхтиёр,
Ки, бўлгай саходан кишн
бахтиёр.

⊙ **Қисса** — Қадим замонда бир мўътабар одамнинг энг гўзал оти ҳалок бўлди. Хушомадгўй одамларнинг ҳаммаси йиғилиб, мўътабар одамга таъзия изҳор қилдилар, кўп марсиялар ёзиб тасалли бердилар. Отнинг ҳалок бўлганига афсусланиб, ғоятда қайғурганларини билдирдилар. Кўп вақт ўтмай мўътабар одамнинг ўзи ҳам вафот топди. Бу дафъа отга қилинган эҳтиромлар, ёзилган марсиялар қаторида буларнинг бириси ҳам мўътабар одамга лойиқ кўрилмади. Ҳатто хушомадгўйларнинг бириси ҳам унинг дафн маросимига қатнашмади.

Ҳисса: — Риёкор, мунофиқ одамлар ўз мақсадларига эришгунча юзларига икки юзламалик пардасини ёпиб, сўнгра олиб ташлайдилар. Шунинг учун бундай ярамас одамларнинг мақтовларига ишониб юриш нодонликдир. Мунофиқ одамлардан узоқда туриш лозим.

Байт:

Эй ўғил, ҳаргиз мунофиқ икки
юзли бўлмагил,
Тўғри ишлаш, тўғри сўзлашдан
сира айрилмагил.

⊙ **Латифа:** — Олимлардан бири Қора Яқуб деган одамни излаб юрганди. Ниҳоят Қора Яқубга ўхшаган бир одамга йўлиқиб:

— Янглишмасам сизнинг отингиз Қора Яқуб эмасми? — деб сўради.

У одам:

— Мен ўша Қора Яқубман, лекин ҳозир соч-соқолим оқариб кетди, энди Оқ Яқуб десангиз ҳам бўлади, — деди.

Ҳалиги олим қўлини Қора Яқубнинг кўксига қўйиб:

— Биродар, Қорани оққа айлантириш қалбнинг иши, соч-соқол оқаришининг бунга даҳли йўқдир, — деди.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

Денгиз ва дарёлар учун термометр

Самолёт денгиз устида учиб боради ва унинг ичидаги лаборатория махсус пульти ёнида ўтирган метеоролог акваториянинг белгиланган нуқталаридаги сув ҳароратини белгиловчи рақамларни кўриб туради...

В. И. Ульянов—Ленин номидаги Ленинград электротехника институтининг мутахассислари океанографлар билан хамдўстликда яратган инфрақизил радиометр шундай имкониятларни очиб беради.

Бу дистанцион термометр ўзидан аввалги шундай термометрларга нисбатан анча ихчам бўлиб, вибрацияга бефарқлиги билан айниқса муҳимдир. Унинг ёрдами билан масалан, гидрологлар муз кўча бошлаш вақтини прогноз қилиш мақсадида Сибирь дарёларини температура сьёмка қилиб чиқдилар.

Авторларнинг фикрича, бу янгилик баъзи технологик жараёнларни контроль қилиб туришда ҳам истиқболлидир.

САМАРАЛИ ДРЕНАЖ

Қирғизистон далаларида сувни булутдек шимадиган ғовак дренаж қувурлар синовдан яхши ўтди. Мелиораторлар унга юксак баҳо бердилар. Бундай қувурлар ғоят пишиқ бўлиб, фильтрлаш коэффициенти юқори.

Ечим авторлари — Фрунзе, Тошкент ва Кемерово мутахассислари фильтр қувур ишлаб чиқариш учун содда ва арзон технологияни топдилар. Уни мелиоратив конструкциялар ишлаб чиқарувчи ҳар қандай корхонада ясайвериш мумкин. Полимер смола қувур ишлаб чиқариш учун асосий материал бўлиб хизмат қилади.

Бундай дренаж системалар анъанавий сопол қувурларга нисбатан анча тежамли ва пухтадир.

(ТАСС).



Узбекистон ССР 50 йиллиги проспектида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Средазгипроцелинстрой» лойиҳа институтининг янги корпуси қуриб битказилди.

СУРАТДА: лойиҳа институтининг умумий кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Шанба оқшоми

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

Барча қулайликлар мужассам

Луначарский шоссесидаги «Узавтотехобслуживание»га қарашли 5-техник станция биноси яқинда янги бинога кўчиб ўтади. Бу замонавий бино қурилиш лойиҳаси «Узгипротяжпром» институти томонидан ишланган бўлиб, «Ташпромстрой» трести коллективи техник станцияни қуриб беради.

Янги бинода мижозлар учун ҳам, ишловчилар учун ҳам барча қулайликлар мужассам бўлади. Замонавий жиҳозлар енгил автомашиналарни сифатли қилиб ремонтдан чиқаришда жуда қўл келади.

* * *

Янги машиналар

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасига қарашли 3-автобус паркига йил бошидан бери «ПАЗ—672» маркадаги машиналардан 16 таси келтирилди. Йил охиригача яна ана шундай автобуслардан 20 таси олинади.

Бугунги кунда корхонадаги 258 та машина 20 маршрут бўйлаб ҳамшаҳарларимиз хизматига чиқарилиб, йўловчилар узоғини яқин қилмоқда. Куни кеча паркка яна битта «ПАЗ—672» маркали автобус келтирилди. Бу машина 46-маршрутда қатнайдиган йўловчиларга хизмат кўрсатади.

БИЛАСИЗМИ?

Даньела Дорлеан сузиш бўйича 6 марта чемпион бўлган барваста ва гўзал француз қизидир. 20 ёшида Даньела Марселга келади ва шу шаҳарда яшай бошлайди. У 8 ёшида сузиш санъатига меҳр қўяди. Отаси ва опаси ҳам сузувчи эдилар. Унинг акаси сув полоси бўйича Франция чемпионларидан бири бўлган. Даньела санъатга ва шеъриятга қизиқади. Инглиз тилини мукаммал билади. Бўш вақтларида пианино чалади.

— Мен учун 200 метрга сузиш кам, лекин мен шиддаткор сузувчилардан эмасман, — дейди Даньела камтарона. — 400 метрлик сузиш кифоя. Бироқ мен 800 метрлик сузиш орзуим бор.

Даньеланинг ҳам кундалик режими қоида: Эрталаб у соат 8 яримда уйғонади. Сўнгра нонушта қилиб бўлгач, китоб мутолаа қилади. Эрталаб соат 11 дан биргача сузиш билан шуғулланади. Сув спортига қизиқувчилардан келган мактубларга ҳам ўз вақтида жавоб қайтаради. Оқшом палласи Даньела яна севимли машғулоти— сузишни давом эттиради.

Даньела саёҳатни севади. У кўп шаҳарларга саёҳат қилган. Машҳур ва ёш Даньела Дорлеан Мексика Олимпия ўйинларида ҳам иштирок этган.

* * *

Француз олимлари, инженерлари ва конструкторлари янги учувчи аппарат яратдилар. Бу аппарат дирижабль билан вертолётнинг қўшилувидан ҳосил қилинди ва унга геликостате деб ном бердилар. Янги аппаратнинг узунлиги 34 метрдир. Геликостатенинг ичи енгил (гелий) газ билан тўлдирилади.

Экипаж кабинаси аппаратнинг остки қисмида, пўлат арқонда осилиб туради. Бу янги аппарат кўп қулайликлар яратади. Унинг ёрдамида оғир юкларни ташиш, баланд ва оғир темир столбаларни ўрнатиш, мураккаб ва қийин шароитлардаги жойларга юк тушириш имконини беради.

Муҳими шундаки, бу янги аппаратга кетадиган харжлар вертолётникига нисбатан анча арзон.

ГЎЗАЛЛИК ОЛАМИДА

Лувр музейи— «Бир даста гул»

Жаҳонга машҳур бўлган мўйқалам усталарининг нодир асарлари ўрин олган Лувр музейи Франция революцион ҳукуматининг декретига биноан 1793 йил 10 августда ташкил этилган эди. Йиллар ўтди. Музей турли даврда ўз даврининг машҳур санъат аҳли мероси билан бойиб борди.

Ҳозирги кунда Франциянинг Лувр музейида қадимги Шарқ, миср, грек ва итальян мўйқалам соҳибларининг дурдоналари сақланиб келинмоқда. Музей заллари бўйлаб қадам ранжида қиларкансиз унда асрлар оша томошабинга эстетик завқ-шавқ бағишлаётган 5 минг картина, ўймакорлик йўли билан туширилган 40 минг сурат, 70 минг расмлар сизни гўзеллик олами билан таништиради.

Бугунги кунда Лувр музейи рўйхатида 200 мингга яқин нодир ва мафтункор картиналар мавжуд. Леонардо да Винчининг машҳур «Жоконда» асари ҳам Лувр музейига кўрк бахш этиб турибди.

Лувр музейи боғдан яқинда териб тайёрланган бир даста гулга ўхшайди. Бойси шуки, ундаги нодир картиналар кўп асрларни, кўп қора кунларнинг гувоҳи бўлган бўлса-да, бироқ ҳануз ўзидаги тиник гўзаллик рамзи мўйқалам соҳибининг талантини кўз-кўз қилиб келмоқда.

Н. ХУДОЙҚУЛОВ.

Сўлим сой соҳилида.

М. Нуриддинов фотоси.

Чайқовчи ва текинхўрга — шафқат йўқ!

БИР ТАНГА—АТТАНГА

ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

— Э, нима дейсан, дўстим Вали, Москвада ҳўл мева фалон пул эмиш! Отни қамчилямасак, ҳаш-паш дегунча пишиқчилик ҳам ўтади-кетади. Ҳар ҳафтада Москвадай азим шаҳарга борамизу, кўп-куруқ қайтаверамизми? Йўқ акаси, бу эшитган ошнаоғайни, улфатлар нима дейди? Ўл галварс, вагонингга бир-икки коп ҳўл мева олиб, йўлмайўл «лой» қилмайсанми демайдими! Кел ука, яхшиси дўппини олиб, бир ўйлаб кўрайлик.

Проводник Неъматилла Остоновнинг гапидан Валижон Асқаровнинг оғзини таноби кочди.

—Э, пул ўлсин-а, пул ўлсин,— деди у Неъматиллага кўзларини ўйнатиб, —одамни не кунларга солади-я! Кўпдан бери мен ҳам мўмай пул топиш устида ўйлаб юрган эдим. Айни муддао бу! Ахир качонгача вагонга чиққан пассажирларнинг қўлларига мўлтираб карaймиз.

— Ха, нимасини айтасан ука, бошқа проводниклар юрган йўлида пул ишлаганда, нега энди Валижон билан Неъматилла пул ишламас экан. Нима, бошқаларнинг бошида иккитадан шохи борми, ахир качонгача депонинг каттаконларидан қўркиб юрамиз?

Неъматилла Остонов у ёк-бу ёққа қараб олди-да овозини пасайтириб гапида давом этди:

— Тошкентда нима кўп мева-чева, ковунтарвуз кўп. Шулардан вагонимизга ортиб олсак бўлгани. Билдингми?

—Йўлда ушлаб олишса-я,—кўзлари ола-кула бўлиб кетди Валижоннинг.— Милицияга нима деймиз...

— Э, шунгаям бош оғриғими, —пичинг аралаш гап қотди Неъматилла. —Кимдир вагонга ташлаб кетибди, деймиз-кўямиз. Биров билиб ўтирибдими.

— Ха-я, шундай десак ҳам бўлади.

Ниҳоят Валижон Асқаров Н. Остоновга кўл берди.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг Тошкент темир йўл бўлинмаси 2-вагон депосида проводниклик қилаётган бу икки ҳамтовоқ Тошкентнинг Олой бозорига йўл олишди. Ҳамтовоқларнинг боши битта ёқадан чиккaнини каранг. Ҳеч качон ошу қатик бўлмаган икки проводник бозордан ковун олишаётганда шундай аҳил, шундай ҳамжиҳат бўлиб кетишдики, кўз очиб-юмгунча 195 килограмм ковунни 12-вагонга ортиб қўйишди...

Энди гапни бўёқдан эшитинг.

2-вагон депосида проводник бўлиб ишлаётган З. Эшонқулов ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилган ҳолда қиммат нархда сотиш учун Москвага 575 килограмм помидорни олиб кетаётганда қўлга тушиб, шарманда бўлди. Шу депо проводниги А. Делибоев ҳам 56 килограмм олма ва 368 килограмм помидор олиб кетаётганда милиция ходимлари томонидан ушланиб, унинг проводниклик эмас, чайқовчилик қилаётгани фош этилди. Проводник М. Косимов эса 322 килограмм бодринги Красноярскка етказиб боролмади. Шум нияти амалга ошмай, қўлга тушди. Проводник М. Мамасолиев 450 килограмм узумни Москвага ва уй бекаси Р. Турдиева эса 110 килограмм саримсок пиёзни Иркутскка элтиб, ҳар килосини 10 сўмдан сотиш режаси «орзусида» юришганда, милиция ходимлари уларни бу фаолиятларига чек қўйишга улгуришди. Номи проводнигу, аслида олибсотарлик билан кун кўриб юрган, ўзи бирга ишлаётган коллективи шаънига доғ тушираётган бундай кишиларга деполда ўрин бўлмаслиги керак!

...Ана, эшитяпсизми, 2-вагон депоси проводниклари Н. Остонов билан В. Асқаров чайковчиликдан тушган фойдани бўлишишмоқда. Битаси «ўзи биттанга эди, минг тангага сотдим» деб мактаниб ҳам кўяди. Аммо бир тангaнинг аттангаси чиқишидан кўркиб этрофга олазарак назар ташлайди. Бу проводниклларнинг ҳоли не кечганини 2-депо рахбарларидан сўраймиз. Чиндан ҳам 2-депога уя қуриб олган проводник-чайковчилар ўз фаолиятларини узоқ давом эттиролмадилар. Биргина ўтган олти ой мобайнида 30 га якин киши вагонлардаги чайковчилиги учун қўлга олинган бўлса, шундан ўн иккитаси проводниклардир. Бу чайковчи шахсларнинг 16 нафари Ўзбекистон Жиноий Кодексининг 175-моддаси билан, қолганлари 118, 180-моддаларининг биринчи бандлари билан жиноий жавобгарликка тортилдилар...

Кейинги пайтда ўз вазифасини суиистеъмол қилиб бойиш пайида олибсотарлик қилаётган проводниклларнинг кўпайиб кетаётганлиги нахотки 2-депо ва шунингдек Ўрта Осиё темир йўли бошқармасидаги мутасадди рахбарларни ташвишга солмаса? Нахотки улар олибсотар проводникларни жиловлаш қудратига эга эмаслар!

Проводник—бу вагон мезбони. У йўловчиларни илик кутиб, самимият билан, «ок йўл» тилаб кузатиши лозим. Бу унинг муқаддас бурчидир. Лекин буни унутиб, бу касбни никоб қилиб олиб, чайковчиликка муккасидан кетиб бир танга орттираман деган киши сўзсиз эртами кечми минг бор аттанга айтиши шубҳасиздир.

А. ХЎЖАХОНОВ,
Тошкент транспорт прокурори, адлия бош маслаҳатчиси, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист.

Н. АЛИМОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Т. ТОШЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ЖАҲЛ ЧИҚҚАНДА...

(МАСАЛ)

Кун бўйи юк ташиган Эшак уйга қайтди-ю, оғилонада ҳашак еб турган Сигирга дўқ қилди:

— Ҳамма нарсани мен ташийману, сен текинхўр навшайсан.

—Эшаклик қилма,— деди Сигир унга, — ҳар кимнинг ўз юмуши, ўз емиши бор... Мен хашак еб эгамга сут-қаймоқ бераман, сен эса юк ташидим деб оламга жар солиб ҳанграйсан.

Эшакнинг бирдан жаҳли чиқди-ю, Сигирга ҳангради.

— Сен ўзинг эшаксан.

Сигир кулди:

— Е тавба! Жаҳлингни бос, Эшаквой, мени ўзингга ўхшатма.

Гулчеҳра ИСОҚОВА.

Сураган экансиз..

КОНСЕРВАЛАШ НИМА?

Ҳурматли редакция! Ёз неъма тларини қишга асраш, консерва қилишнинг қандай усуллари бор? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Ҳ. Толибоева, ишчи.

Консерва — лотинча сўз бўлиб, сақламоқ деган маънони билдиради. Маълумки, ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланадиган озиқ-овқатлар узоқ муддатга консерва йўли билан сақланади. Ватанимизда консервaнинг беш юздан ортиқ тури ишлаб чиқарилади. Бу усуллар озиқ-овқат маҳсулотларининг тўйимлилигини сақлашга ёрдам беради. Кўпинча масалликнинг ортиқча қисмлари (қобиғи, уруғи, суяги, томир ва ҳоказо) олиб ташланиши, мой ва шакар қўшилиши ҳисобига маҳсулотнинг витамини қисман (5—7 процент камаяди. Консерва бузилиб қолмаслиги учун уни салқин ва қуруқ жойда сақлаш керак.

Консервалаш и н г моҳияти: маҳсулотларни тез бузадиган микроорганизмлар фаолиятини бутунлай ёки вақтинча тўхтатиш, ферментлар фаолиятини сўндиришдан иборат. Кўп қўлланиладиган усуллари: пастеризация, стерилизация, қуритиш (қоқи қилиш), музлатиш, ачитиш, тузлаш ва дудлашдир.

Пастеризация усули билан консервалашда озиқ-овқат маҳсулотлари (мевалар) зич беркитилган идиш — автоклавларда 85 — 100 даража цельсий ҳароратда 30—60 минут қиздирилади. Бунда микроорганизмлар фаолияти вақтинча тўхтайди. Стерилизация усулида маҳсулот (гўшт, балиқ ва бошқа мевалар) солинган идиш 112—120 даража цельсий ҳароратда қиздирилади, шунда ферментлар емирилади, микроорганизмлар ўлади.

Ватанимизда консерваларни юқори частотали, токлар билан стерилизациялаш усули ишлаб чиқилган. Радиоактив изотопларнинг нур энергияси ёки катта энергияли электронлар таъсирида совуқ ҳолда консервалаш усули ҳам бор.

Сабзавот ва меваларни тузлаш, биохимиявий жараёнлар натижасида қанд моддаси ва бошқа моддалардан сут кислотаси ҳосил бўлишига асосланган консервалаш усули ҳам қўлланилади. Медицинада қон, орган ва тўқималарни физиологик хусусиятлари йўқолмайдиган қилиб, организмдан ташқарида узоқ муддат сақлаш ҳам шу усул билан амалга оширилади. Бу —қон, тўқима ва органларни вақтида тайёрлаб қўйиш, уларни ҳамма вақт запас ҳолда сақлаш ва узоқ ерга олиб боришга ёрдам беради. Пластик операцияларга зарур бўладиган суяк, тоғай, тери каби органлар, беморларга қўйиладиган қон ва бошқалар ана шу усул билан консерваланади.

• Аҳолини йил бўйи сабзавот ва мевалар билан таъминлашда, космик учишлар пайтида космонавтларни овқатлантиришда ва туристик саёҳатларда консервaнинг аҳамияти бениҳоя катта. Консерва саноати эндиликда Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг энг ривожланган тармоқларидан бири бўлиб, унинг маҳсулоти Бутуниттифоқ аҳамиятига эгадир.

О. КАРИМОВА.

ҚИЗ:— Жудаям сахийсиз, Зафар ака.

ЙИГИТ:— Папашамиз омон бўлса, маншат бизники.

— Вой ўлмасам, яна ўғлимнинг ўртоқлари келишибди-да.

— Ўғлим шу хатни ўқиб бер...

— Халақит берманг, китобимни ғиштни синдирибди!

— Ойи, товуғим тухум қилиб ўқиб бўлай...

Е. Одилов расмлари.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. КОМИЛОВА: Маълумки, партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан уруши қатнашчилари тўғрисида мунтазам ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уларга жуда кўп енгиллик, имтиёзлар белгиланган. Шу ўринда бир нарсани сўрамоқчиман: бедарак йўқолган Улуғ Ватан уруши қатнашчисининг оиласи квартира ҳақи тўлашда бирор имтиёздан фойдалана оладими?

Жавоб: Маълумки, Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар учун нафақа олаётган оилаларга эгаллаб турган турар жой майдони (норма миқдорида, яъни ҳар бир киши учун 9 квадрат метр) учун 50 процент миқдорида квартира ҳақи тўлаш имтиёзи берилган. Сизнинг саволингизга келганда шуни айтиш керакки, агар Сиз умр йўлдошингиз учун нафақа олаётган бўлсангиз, юқорида биз айтиб ўтган имтиёздан фойдаланишга тамомила ҳақлидирсиз. Агар умр йўлдошингиз учун нафақа олмаётган бўлсангиз, квартира ҳақини юз процент миқдорида тўлайсиз.

* * *

Р. МУСАЕВ: Машиналарни ҳайдаш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома олмоқчи эдим. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Ҳаваскор ҳайдовчилар гувоҳномасини олмоқчи бўлсангиз махсус курсларда ўқишингиз керак. Мана шундай курслар шаҳримиздаги районларнинг ДОСААФ спорт-техника клубларида очилган. Ўзингиз истиқомат қилиб турган районингиздаги ДОСААФ спорт-техника клубига учрашсангиз ҳам бўлади.

* * *

Ш. МУҲАМЕДОВА: Менга оқ газлама буюмларидаги пиво ва вино доғларини қандай кетказиш хусусида маслаҳат берсангиз.

Жавоб: Ипдан ва зигир толасидан тўқилган оқ газлама буюмларидаги доғлар бир озгина денатурат спирти қўшилган сувда совунлаб ювилганда яхши кетади. Ювилмайдиган рангдор ипак ва жун газламалардаги доғларни денатурат спирти билан ёки оғирлик ҳисобида бир ҳисса глицерин, уч ҳисса арақ ва бир ҳисса новшадил спирти қўшиб тайёрланган суюқлик билан артиб кетказиш мумкин. Ҳа деганда кетмайдиган доғлар новшадил спирти билан (оғирлик ҳисобида бир ҳисса), скипидар (уч ҳисса), совун (ўн ҳисса) аралашмасида кетади: совун бир озгина иссиқ сувда эритилади, новшадил спирти ва скипидар қўшилгач яхшилаб аралаштирилади, доғ шу аралашмада ҳўлланган пахта билан артилади, сўнгра сувга чайилади.

* * *

Р. САМИГОВ: Мен бир дўстимдан Хиндистонда ёввойи бодринглар ёғишини, бу бодринглар дарахтларга чирмашиб ўсишини эшитдим. Шу гап тўғрими? Умуман бодрингнинг ватани қаер ҳисобланади?

Жавоб: Бодринглар нинг табиатда ўсимлиги сифатида маълум бўлганига олти ой йилга якин бўлди. Унинг ватани — Хиндистоннинг Шимолий тарбида дарҳақиқат бу ерда ёввойи бодринглар ўрмонларда дарахтларга чирмашиб ўсади.

* * *

М. ТОЛИБОВА: Тикув машиналарини қаерда ремонт қилдириш мумкин?

Жавоб: Бунинг учун «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг устахоналарига мурожаат қилишингиз керак. 91-08-84 рақамли телефон орқали буюртма бериш ҳам мумкин.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет Оқшоми

22 АВГУСТ, 1981 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЙЕ

24 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 «Сенга қўшиқ куйлаб берай». Фильм-концерт. 18.50 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА! «Тўқимачилик корхоналарини қайта қуриш тажрибаси ҳақида». КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари В. Г. Клюев иштирок этади. 19.20 «Футбол шарҳи». 19.50 В. Дельмар. «Гариблар». Моссовет номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли. СССР халқ артисти Ф. Г. Раневскаянинг 85 йиллигига. 21.30 «Время». 22.05 «Гариблар» фильм-спектаклининг давоми 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 В. Моцарт. Скрипка ва оркестр ижроси учун 4-концерт. Ремажор.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак». Тошкентдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Водий». Бадиий фильм. (ЧССР).

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Оловтош». Мультфильм. 18.15 «Советский воин». Тележурнал (рус.). 18.45 «Фан уфқлари». Пахта селекцияси ва уруғчилиги бўйича Бутуниттифоқ кенгаши олдидан. 19.15 «Ахборот (рус.). 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот». 21.20 «Моншедаги қўриқхона». Телефильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси». 22.25 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.40 Мирзачўлни ўзлаштиришнинг 25 йиллигига. «Авлодлар жасорати». (рус.). 23.20 Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон ССР чемпионати. Репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Театр усталари билан учрашув». Фильм-портрет. 19.00 «Шифокор экрани». 19.30 «Келажак билан учрашув». Телефильм. (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Агар бахтли бўлай десанг». Бадиий фильм.

21.30 МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ IV ПРОГРАММАСИ.

25 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 В. Дельмар. «Гариблар». Моссовет номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Инсон ерда». Кинопрограмма. 16.05 Д. Шостакович. 2-концерт. 16.40 Болалар учун фильм. «Яшил патруль». 17.45 «Оналар мактаби».

18.15 Ешлар адресларн». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.00 Телевидение экранида биринчи марта Ф. Амировнинг «Минг бир кеча» балети. Охундов номли Озарбайжон ССР Давлат академик опера ва балет театри саҳналаштирган. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Киев). В. И. Ленин номли Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 22.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.000 «Время». 9.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 10.25 Мультфильмлар. 11.20 «Телестадион». 11.50 Л. Бетховен. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт. До мажор. 12.35 Болалар учун фильм. «Сен билан ёнма-ён». 13.45 Конькида югуриш спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 14.35 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». А. Пластов. 1-кўрсатув. 15.05 «Биз билан бирга, ҳудди биздек, бизсан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 16.05 «СССР халқ артисти Дмитрий Журавлёв ўқийди». Фильм-концерт. 17.15 «Музика ҳақида суҳбатни давом эттирамиз». «Мусоргский ватанида».

19.30. «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Халқаро панорама». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Галати отпуска». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Кирол ва қовунлар». Мультфильм. 11.45 «Биз Артекда танишдик». Фильм-концерт 12.10 «Болаликнинг сўнгги ёзи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 13.15 Болалар учун концерт.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Уддабурон Фока». Мультфильм. 18.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Ҳайр, пионер ёзи!». 19.10 «Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар». 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Мирзачўлни ўзлаштиришнинг 25 йиллигига. «Ерим — тақдирим». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 20.00 Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига. «Замондин ўзиб». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Композитор М. Бурхонов асарларидан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Қишлоқ хўжалиги: тажриба ва проблемалар». «Ирригация ва мелиорацияни комплекс ривожлантириш — мўл ҳосил гарови. Бизнинг саволлар»га Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов жавоб беради. 22.35 Телевизион театр. А. Кристи. «Қопқон». 1-қисм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ешлик» студияси кўрсатади. «ССО-81». 18.35 Болалар учун фильм. «Икки қайин дарахти». 19.20 Реклама. 19.35 «Тошкент область Бекобод райони пахтакорлари ҳузурида». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ўқитувчи экрани». 20.50 «Севги — тарона». Фильм-концерт.

21.30 МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ IV ПРОГРАММАСИ.

26 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Ракша». «Ўғирлаш». Мультфильмлар. 10.45 «Водий». Бадиий фильм. (ЧССР). 11.50 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.30 Қозоғистон телевидение ва радиосининг камер оркестри чалади. 17.00 «Рус тили». 17.30 «Горичлар, қаердасиз!»

18.00 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. 18.45 «Педагогика фани — мактабга». СССР Педагогика фанлари академиясининг президенти М. И. Кондаков сўзи. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Нейтрон бомбаси: инсониятга қарши фитна». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи И. Фесуненко олиб боради. 20.10 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Изатоп» кафеси». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Иркутск музикали комедия театри артистларининг концерти. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Александр Гриннинг Қрим саҳифалари». Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 10.50 Мультфильмлар. 11.40 Рус композиторлари ижодида халқ қўшиқлари. 12.10 Болалар учун фильм. «Электрониканинг саргузашти». 1-серия. «Қочиш». 13.25 «Халқаро конкурс лауреати Р. Ҳунцария чалади». Фильм-концерт. 13.40 «Ёзги меҳнат семестри саҳифалари». 14.10 «Тонг бошланадиган жойда». Ҳужжатли фильм. 15.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». А. Пластов. 2-кўрсатув. 15.30 Санъат усталарининг концерти. 16.25 Волейбол бўйича Халқаро турнир. Финал группасининг матчи. Эркаклар. Ригадан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 10.30 Халқ чолғу оркестрининг концерти. 10.55 Мультфильмлар. 11.50 «Горичлар, қаердасиз!». 12.20 Болалар учун фильм. «Электрониканинг саргузашти» 2-серия «ГИ ССБ сири». 13.25 «Шоир Леонид Мартинов ижоди саҳифалари». 14.05 «Подмосковье учрашувлари». 14.35 Вертолёт спорти бўйича жаҳон чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади. 15.10 Л. Н. Толстой. «Тирилиш». СССР халқ артисти П. Массальский ўқийди. Фильм-концерт. 16.20 Ҳужжатли фильмлар программаси. 17.00 «Рақсга таклиф». Киров номли Ленинград Давлат академик опера ва балет театри балет солистлари иштирокида фильм-концерт.

19.30 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.15 «Эртакнинг номидан бири — «Цирк». Москва цирк билим юрти ҳақида. 20.45 «Матсалу қўриқхонаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Галати отпуска», Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 23.10 Футбол бўйича СССР чемпионати. 1 лига. «Локомотив» (Москва) — «Торпедо» (Кутаиси). 2-тайм. «Локомотив» стадионидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Казаклар қандай қилиб футбол ўйнашди». Мультфильм. 11.50 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (такрорий). 12.20 «Болаликнинг сўнгги ёзги». Телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.). 13.25 Болалар учун фильм. «Чой, тешиккул. чалар ва кино».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Мушук Леополднинг қасоси». Мультфильм. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомолларн». 19.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА! «Экономика тежамли бўлиши керак» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қ. Юсупов ва Л. Оқилова концерти. 21.30 Москва, «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 «Бугун — Совет киноси куни». Кинокўрсатув. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Кино ўзи ҳақида ҳикоя қилади». Ҳужжатли фильм (рус.). 19.25 «Рақс — менинг ҳаётим». Фильм-балет. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қадр ортида». Телефильм. 20.40 «Червона рута». Фильм-концерт.

21.30 МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ IV ПРОГРАММАСИ.

28 АВГУСТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика 10.05 «Энг ҳукимишли қўён». Мультфильм. 10.20 «Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью». Бадиий фильм. 11.50 «Композитор А. Касьянов». Фильм-концерт. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Изланиш қирралари». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 «Шахмат мактаби». «Шахмат тожи учун кураш». 1-кўрсатув. 16.40 «Москва ва москвиликлар». 17.10 Фильм-концерт. 17.40 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Рязань область «Светлий путь» колхозининг раиси А. Н. Акимов билан учрашуви. 18.20 Бадиячилар оркестрининг концерти. Горький шаҳридан олиб кўрсатилади. 18.45 Олий ўқув юртлари ва техникумларида янги ўқув йилининг бошланишига СССР Олий ва ўрта махсус таълими министри В. П. Елютин сўзи. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». Кўрсатувда РСФСР Олий суди раисининг ўринбосари В. В. Шубин иштирок этади. 20.00 «Эҳтиёт бўлинг, яхмалак». Телевизион бадиий фильм премьераси (ГФР) 21.30 «Время». 22.05 «Джаз контраслари». Фильм-концерт премьераси. 22.30 «Дунё воқеалари». 23.05 Волейбол бўйича Халқаро турнир. Финал группаларининг матчи. Эркаклар Ригадан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Ҳужжатли фильмлар программаси. 10.50 Болга рус Давлат халқ хорининг концерти. 11.35 «Ажойиб жасоратлар», «Яна биргаликда». Мультфильмлар. 12.05 Болалар учун фильм. «Электрониканинг саргузаштлари». 3-серия. «Кучук етаклаган бола». 13.10 «Музикадаги поэзия». 14.10 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Тюмень сабоқлари» (Новосибирск). «Йўлни кутиб» (Иркутск). «Салом, Сибирь» (Тошкент) 15.05 «Ильинский Зощченко ҳақида». Фильм-концерт. 16.10 «Китобни асранг». Муқовалаш ишининг сирлари. 16.40 Р. Гамзатов шеърларига ёзилган қўшиқлар ва романсларни РСФСР халқ артисти Е. Алтухова ижро этади. 17.30 «Тўқсон олтинчи куз». Ҳужжатли фильм.

19.30 «Халқ оҳангари». 19.50 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.40 РСФСР халқ артисти В. Минин раҳбарлигидаги Москва камер хорининг концерти. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Петя ва қизил шапқача». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.05 «Кутиш». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серилар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Бола ва қопток». Мультфильм. 11.40 «Ёз тугади». Телефильм. 12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 12.30 «Шудринг». Телевизион бадиий фильм (рус.). 13.35 «Буни ҳамма билиши ва ундалаши керак». (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Хайр, болалар боғчаси!». 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ешларнинг меҳнат дастхати». 19.15 «Ҳунар-техника таълими янги ўқув йилида». Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси П. Қ. Қаюмов сўзи. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.). 20.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА! «Мусобақа — омма ижоди». 20.30 «Ахборот». 20.50 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Устоз ҳақида сўз. СССР халқ артисти Б. П. Чирков туғилган кунинг 80 йиллигига (рус.). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Белая вежа». Телефильм. 18.50 Болалар учун фильм. «Учрашув». 19.30 Бокс бўйича СССР чемпионати старти олдидан. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Китоб дўстлари» (рус.). 20.35 «Ишчан кишининг тонги». Телеспектакль.

21.30 МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ IV ПРОГРАММАСИ.

29 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.00 «АБВГДейка» 10.30 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.00 «Давр, тарих, образ». СССР халқ рассоми Д. А. Налбандян ҳақида илмий-оммабоп фильм. 11.20 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.50 Рязань Давлат рус халқ хорининг концерти. 12.15 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 12.45 «Спортлото»нинг 35-тиражи. 12.55 «Инсон. Ер. Қосмос». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчи Б. И. Севастьянов олиб боради. 13.40 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. «Баҳор тароналари». (Вьетнам Социалистик Республикаси). 14.05 «Тайёр жавобни ҳал этилмаган масала». Саноатда меҳнатнинг бригада системаси ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. Кўрсатувда СССР Кемасозлик саноати министрининг ўринбосари Л. В. Прусс ҳамда СССР Давлат Меҳнат комитети раисининг ўринбосари Б. М. Суҳаревский иштирок этади. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Алпамис мактаба боради». 16.25 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 17.25 «Акеланинг сўнгги ови». Мультфильм. 17.45 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.15 «Табриклаймизки қабул этинг». Шахтёрлар кунига бағишланган музикали программа. 19.15 «Го Сюшаннинг ижрор бўлиши». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.05 Экранда — кинокомедия. «Антон Ивановичнинг жаҳли чиқди». 21.30 «Время». 22.05 «Кинопанорама». 23.50 Велосипед спорти бўйича жаҳон чемпионати. Шахсий пойга хотин-қизлар Прагадан олиб кўрсатилади

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Сиз яратган боғ». 10.15 «Тонгги почта» музикали программаси. 10.45 «Шахмат мактаби». «Шахмат тожи учун кураш». 1-кўрсатув. 11.15 «Нюанс» вокал ансамбли куйлайди (Рига). 11.25 «Хайвонот боғидаги тўс-тўполон». «Сеҳргар яна пайдо бўлади». Мультфильмлар. 12.05 «Фан оламида». 12.35 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг болалар катта хори ижросида А. Пахмутова қўшиқлари. 13.45 «Оналар мактаби». 14.15 «Рус тили». 14.45 «Музикали Эстония». Фильм-концерт. 15.15 А. Арбузов. «Эскирган комедия» М. Горький номли Куйбишев академик драма театрининг спектакли. 17.30 Ҳужжатли фильм.

17.45 «Кузатишлар». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 20.00 «Музикали киоск». 20.30 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.15 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Киев) «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 «Биринчи бор биринчи синфга». Ота-оналар учун кўрсатув. 11.25 «Сўнгги таътил». Бадиий фильм. 12.50 «Меҳнат резервлари». Ҳунар-техника бидим юрти ўқувчиларининг техник ва бадиий ижодиёти кўргазмасидан репортаж. 13.20 Х. Саъдулла, Д. Соатқулов. «Юсуф ва Зулайхо». А. Навоий номли Наманган область музикали драма ва комедия театрининг спектакли. 15.20 «Кишиларга бахт ҳадя этиб». Профессор Т. Г. Ильина ҳақида телеочерк (рус., такрорий).

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликдаги программаси. 18.00 «Бўғирсоқ». Болалар учун телеспектакль. 18.45 «Ўзбекистон — Тюмень ўлкасига» (рус.). 19.15 «Олий ўқув юртлари ва техникумлар янги ўқув йилига». Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пўлатов сўзи. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Шахтёрлар кунига. «Қутқарувчилар». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм). 20.00 Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазма залидан рассомлар З. Иноғомов ва Г. Чернухин асарлари кўргазмасидан репортаж. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Балли, Тошкент опера театри!». Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат академик Катта театрининг Москвага гастроллари ҳақида. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликдаги программаси. 18.00 «Мен, сен ва мультик». Болалар учун кўрсатув. 18.30 «Кинокамера билан саёҳат» (тожик тилида). 19.35 Янгиликлар. 19.50 «Чашма» халқ ижодиёти телевизион клуби. 20.25 «Ахбор». 20.50 Концерт.

21.30 МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ IV ПРОГРАММАСИ.

30 АВГУСТ — ЯКШАНБА ШАХТЁРЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Заряддага сафланинг!». 10.05 Ўзбекистон ССР Андижон район ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.15 Белосипед спорти бўйича жаҳон чемпионати. 108,7 км га шахсий пойга. Эркаклар. Прагадан олиб кўрсатилади. 13.45 «Қишлоқ янгиликлари». 14.45 «Музикали киоск». 15.15 «Яхши одам ҳимоя қиладиган кун». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Р. Солнцев. 17.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.40 «Бугун — шахтёрлар куни». СССР Қўмир саноати министри Б. Ф. Братченко суҳбати. 18.55 Е. Сорокина ва Халқаро конкурс лауреати А. Бахчиев чалади (фортепьяно). 19.15 «Халқаро панорама». 20.00 «Фикнинг пайдо бўлиши». «Фик аҳли бўлиб қолди». Мультфильмлар (ЧССР). 20.20 «Балли қизлар». Москва область колхоз ва совхозлари ишчиларининг конкурси. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Буратино кўргазмаси». 10.15 «Кончиларнинг уфқлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.40 «Камалак» Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали Ироқ. 11.05 «Қулоқсизлар байрами». Мультфильм. 11.15 «Композитор Б. Чайковский». Фильм-концерт. 12.40 «Ҳайвонот оламида». 13.40 «Актёрлик санъати». Кўрсатувда СССР халқ артистлари В. Аникапаридзе ва Ф. Раневскаялар иштирок этади. 14.50 И. С. Тургенев. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 16.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 16.50 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари. 17.45 «Шуқуқ ва қашшоқлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия (Франция). 19.30 Спорт программаси. — Академик эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионати. Мюнхендан олиб кўрсатилади. 20.00 — Чим устида хоккей бўйича Халқаро учрашув СССР — Ҳиндистон терма командалари. «Динамо» стадионининг кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (20.35) — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Ўчови Простоквашинодан». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.05 «Катта ҳаёт». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Янги ўқув йили билан!». 10.40 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг солистлари Қ. Усмонов, С. Удаева, «Баҳор» ансамблининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Мадраҳимова концерти (такрорий). 11.20 «Мультипанорама». Болалар учун кинокўрсатув (рус). 12.10 Л. Жуковицкий. «Ёқимтой қизча». Амур область драма театрининг спектакли. 14.05 «Ўзбекистон спорти». 14.40 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». 15.10 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Кел, дўстлашайлик». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Бойчечак». 19.00 «Бугун — Шахтёрлар куни». 19.15 Янги ўқув йилининг бошланишига. Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов сўзи. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА! «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 Шахтёрлар кунига. «Кўзимга тик боқ». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/VIII да **Алмандар**, 23/VIII да **Ун учинчи ранс.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа.** «АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР».

КИНО

22 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАХСИЙ ҲАВФСИЗЛИККА КАФИЛ БЎЛОЛМАЙМАН» — **Искра** (16, 18.00 20.00), **Восток** (жуфт соатларда).

«АЛВАСТИ»ГА ҚОПҚОН ҚЎЙМАНГ» — **Нукус** (тоқ соатларда), **Москва** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«МИЛЛИАРДЕР КИМ? — **Дружба** (тоқ соатларда).

23 АВГУСТДА

«ШАХСИЙ ҲАВФСИЗЛИККА КАФИЛ БЎЛОЛМАЙМАН» — **Искра** (16, 18.00 20.00), **Восток** (жуфт соатларда).

«АЛВАСТИ»ГА ҚОПҚОН ҚЎЙМАНГ» — **Нукус** (тоқ соатларда), **Москва** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«МИЛЛИАРДЕР КИМ? — **Дружба** (тоқ соатларда).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

22 август соат 19.30 да

ГВИНЕЯ ТЕРМА КОМАНДАСИ — «ПАХТАКОР» (Тошкент)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ЎРТОҚЛИК ЎЧРАШУВИ

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

6 ОЙЛИК ҚЕЧКИ (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда), **ПУЛЛИК**

ЭКСКУРСОВОДЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ, 40 ЕШГАЧА БЎЛГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Курс Тошкент шаҳрида ва шаҳар чеккасида: Тошкент — Чумён, Оқтош, Чорвоқ, Тошкент денгизида, Совет сайёҳлари билан русча ва ўзбекча, чет эл сайёҳлари билан француз ва немис тилларида ишлаш учун экскурсоводлар тайёрлайди.

Курсда ўқиш учун 40 сўм миқдорида пул тўланади.

Курсни муваффақиятли тугатилгандан сўнг бюро экскурсовод бўлиб ишлаш учун иш билан таъминлайди.

Курсга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: кадрлар ҳисоби бўйича фотосурати билан шахсий варақа, 2 нусха маълумот ҳақидаги дипломнинг нусхаси, иш жойидан справка, паспорт.

ҲУЖЖАТЛАР — 20 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Намойишлар аллеяси, 5-уй, 1-хона, телефон 39-13-12.

158-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти

1981—82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШЛАРДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ. **қурувчи-ошпазчи, қурувчи-дурадгор, қўлда электр билан пайвандловчи, суворчи, пардозловчи-плитка етқизувчи. Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил; дурадгор. Ўқиш муддати — 1 йил.**

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ДАН 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН ИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

10-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш даврида базадаги корхона ҳисобидан ойига 45 сўм сўм ҳажмида стипендия тўланади, уч маҳал бепул овқат ҳамда бажарилган ишлар юзасидан топилган иш ҳақининг 50 процента берилади; 8-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати — 3 йил. Уч маҳал бепул овқат, кийим-кечак билан таъминланади, ўрта маълумот олади. Ишлаб чиқариш практикасини ўтаётган пайтда топган иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкентга прописка қилинадилар. Билим юртини «аъло» баҳоларда тамомлаганлар ўрта ва олий ўқув юртларига конкурссиз ўқишга юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, туғилганлиги ва маълумоти тўғрисида гувоҳномалар, аттестат (асли); автобиография, турар жойидан, соғлиғи тўғрисида (286-форма) справкалар; мактабдан характеристика, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратош кўчаси, 44-уй (64, 65-автобуслар; 2, 6, 7, 14, 1, 4, 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11 16-трамвайларнинг «Ҳадра» бекати).

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

22 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

17.35 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.05 Румин халқининг миллий байрамига бағишланган Руминия Социалистик Республикаси телевидениесининг программаси. 19.20 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.05 «Прожектор» Маданият саройида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, композитор А. Новиков билан учрашув — концерт. 21.30 «Время». 22.05 Волейбол бўйича Халқаро турнир. Эркаклар. СССР — Чехословакия терма командалари. Ригадан олиб кўрсатилади. 22.45 «Рақсга таклиф». Фильм-концерт премьераси. 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

17.45 Регби бўйича Халқаро турнир. СССР — Югославия терма командалари. «Машиностроитель» стадионидан олиб кўрсатилади. 18.35 М. Гараева. «Бека». Леся Украинка номли Киев Давлат академик рус драма театрининг фильм-спектакли. 20.45 «Зиндон» Парагвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Антонио Майданинг тақдири ҳақида. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Театр». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 18.50 «Инсон ва қонун». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Цирк, цирк, цирк». 20.20 «Ахборот». 20.45 «Қўшиқ айтган етар муродга». Конкурс программаси (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 4-серия. «Сўнгги марра». 23.35 Кўрсатувлар программаси

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун «Гулхан». 18.35 Болалар учун фильм. «Нурафшон даврасида». 19.05 Янгиликлар. 19.20 Москва. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзул